

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**БАКАЛАВРИАТНИНГ ЎЗБЕК ФИЛОЛОГИЯСИ  
ЙЎНАЛИШИ УЧУН**

**« НУТҚ МАДАНИЯТИ АСОСЛАРИ »**

**ФАНИДАН**

**М А Ё Р У З А Л А Р М А Т Н И**

**Т У З У В Ч И:**

**Ф. Бобожанов**

**НУКУС – 2007**

**1-М А В 3 У:**  
**НУТҚ МАДАНИЯТИ КУРСИГА КИРИШ**  
**Р Е Ж А:**

1. Нутқ маданияти курсининг долзарблиги ва тарихи.
2. Нутқ маданиятига дунё миқёсида бўлган эътибор.
3. Туркология ва ўзбек тилшунослигида нутқ маданияти муаммоларига бўлган муносабат.

“Инсоният, мамлакатлар ва халқлар ҳаётида XX аср поёнига етмоқда. ...Бизни – ҳозирги Ўзбекистонда истикомат қилувчиларнинг кўпчилигини тирикчилик ташвишлари - чин воқелик муаммолари билан бирга: “Бу ёруғ оламда биз киммиз ва не бир сир - синоатмиз, қаёққа қараб кетяпмиз? Инсоният янги - XXI асрга қадам қўйганида, бизнинг ўрнимиз қаерда ва қандай бўлади?” - деган саволлар ўйлантириши табиий”<sup>1</sup>

Янги аср бўсағасида ўзининг умумжаҳон халқлари ўртасидаги ўрни ва мавқеини англашга интилаётган кишилар томонидан ўз-ўзига берилаётган саволларга топилган энг ихчам ва илмий асосга эга жавоблардан бири шуки, инсоннинг кимлиги унинг икки жиҳати - хатти-ҳаракати ва сўзи (нутқи), одамлар билан ўзаро муомаласида намоён бўлади.

Шунинг учун ҳам одамлар инсон руҳияти билан чамбарчас боғлиқ бўлган бу масала билан жуда қадимдан қизиқиб келадилар. Қадимги Греция ва Римда нутқ маданиятининг назарий асослари яратилди. Бу давлатларда Цицерон, Демосфен, Квинтилиан, Аристотелр каби назариётчилар етишиб чиқди. Эрамиздан аввалги 335 йилда Аристотелнинг “Риторика”си яратилди. Ўша давр суд нотиклигининг катта намояндаси Цицероннинг “Нотик ҳақида”, “Нотик”, “Брут” асарлари ҳозир ҳам ўзига хос қимматга эга. Уларнинг бу назариялари кейинчалик Европада нутқ маданиятига бағишланган фаннинг майдонга келишига асос бўлди. Шарқда, жумладан, Мовароуннаҳрда бадий, илмий ижоднинг тараққиёти билан, шунингдек, ваъзхонлик, “Қуръон”ни тарғиб қилиш, Беруний, Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий, Маҳмуд Кошғарий, Абулқосим Замахшарий, Абу Яъқуб Саккокий, Алишер Навоий каби буюк алломалар тилга, луғатга, грамматика ва мантиқшуносликка бағишланган асарлар ёздилар ёки бошқа соҳаларга доир асарларида бу мавзуга алоқадор фикрлар билдирдилар.

Буюк комусий олим Абу Райҳон Беруний ўзининг “Геодезия” асарининг кириш қисмида фанларнинг пайдо бўлиши ва тармоқланиб кўпайиши ҳақида сўз юритиб, ҳар бир фаннинг инсон ҳаётидаги зарурий эҳтиёжлар талаби билан юзага келишини айтади. Унингча, грамматика, аруз ва мантиқ фанлари ҳам шу

---

<sup>1</sup>Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Тошкент: Ўзбекистон, 1997, 3-б.

эхтиёжларнинг ҳосиласидир. Инсон нутқи ўз тузилиши, материалига кўра, ростни ҳам, ёлғонни ҳам ифодалаш мумкин. Бу кўплаб мунозараларга сабаб бўлади. Инсон бу мунозаралар жараёнида ростни ёлғондан ажратадиган “мезон”ни яратади. Бу мантиқ фани эди. Мантиқнинг қиёси (силлогизми) ростни ёлғондан ажратиш воситаси бўлиб қолди. Инсон нуткида шубҳали ўринлар сезилса, маълум “мезон” ёрдамида улар тузатилади. Олим мантиқни ўрганмасдан, уни маломат қилганларга ҳайрон қолади ва уларга ачиниб: “Агар у дангасаликни ташлаб, оромга берилмасдан, гап билан боғланиб келадиган нахв (грамматика), аруз (шеър ўлчови) ва мантиқ (логика)ни мутолаа қилганда эди, сўз, зотан, наср ва назмга ажралишини билган бўларди”<sup>1</sup>, - дейди.

Кўринадики, Беруний инсон нутқини бир фан доирасида эмас, балки бир неча фан (яъни грамматика, аруз ва логика)лар қўшиливи нуқтасида текшириш ғоясини илгари сурган.

Шарқнинг буюк мутафаккири Абу Наср Форобийнинг тўғри сўзлаш, тўғри мантиқий хулоса чиқариш, мазмундор ва гўзал нутқ тузишда лексикология, грамматика ва мантиқнинг нақадар аҳамияти зўрлиги ҳақида шундай ёзади: “Қандай қилиб таълим бериш ва таълим олиш, фикрни қандай ифодалаш, баён этиш, қандай сўраш ва қандай жавоб бериш масаласига келганимизда, бу ҳақда билимларнинг энг биринчиси жисмларга (субстанция - нарсалар) ва акциденция (ҳодисалари)га исм берувчи тил ҳақидаги илмлар деб тасдиқлайман.

Иккинчи илм грамматикадир. У жисмларга берилган исм (ном)ларни қандай тартибга солишни ҳамда субстанция ва акциденциянинг жойлашишини ва бундан чиқадиган натижаларни ифодаловчи ҳикматли сўзларни ва нутқни қандай тузишни ўргатади.

Учинчи илм мантиқдир. Маълум хулосалар келтириб чиқариш учун логик фигураларга биноан қандай қилиб дарак гапларни жойлаштиришни ўргатади. Бу хулосалар ёрдамида биз билмаган нарсаларни билиб оламиз. Ҳамда нима тўғри, нима ёлғон эканлиги ҳақида ҳукм чиқарамиз”<sup>2</sup>.

Беруний билан замондош бўлган Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий ҳам ўзининг “Мафотих ул-улум” (“Илмлар калитлари”) асарида ўша давр нутқ маданиятининг баъзи бир масалалари, девонхона иш қоғозлари, уларнинг шакллари, ишлатиладиган истилоҳ (термин)лар ҳақида маълумот беради.

Қадимги Шарқ педагогикасининг дурдона асарларидан бири “Қобуснома”да ҳам нутқ одоби ва маданияти ҳақида ибратомуз фикрлар баён қилинган бўлиб, улар ҳозир ҳам аҳамиятини йўқотмаган.

Ўзбек мумтоз адабий тилининг ҳомийси, буюк мутафаккир Алишер Навоий туркий тилда гўзал нутқ тузишнинг байроқдори сифатида ўзининг бутун ижоди билан ўзбек тили бойликларини, унинг латиф ва гўзал қирраларини кашф этди. Кейинги асрларда ижод қилган Хоразмий, Бобур, Мунис, Машраб, Увайсий, Муқимий, Фурқат, Аваз Ўтар ўғли, Фитрат, Бехбудий, Сўфизода,

---

<sup>1</sup> Беруний. Танланган асарлар. III том, Тошкент, 1982 йил, 64-б.

<sup>2</sup> Абу Наср Форобий. Рисолалар. - Тошкент, 1975, 54-б

Ҳамза ва бошқа буюк мутафаккирлар ҳам ўзбек мулоқот хулқи ҳақида ўз фикрларини турли жанрлардаги асарларида баён этдилар.

Бироқ нутқ маданияти муаммолари билан илмий асосда жиддий шуғулланиш масаласи биринчи марта Прага лингвистик тўгараги вакиллари томонидан ўртага ташланди. Улар 1929 йилда Прагада бўлиб ўтган славистларнинг I съезди учун тайёрланган махсус тезислари ва кейинги асарларида бу масалага алоҳида тўхталиб ўтганлар.<sup>1</sup> Юксак тараққий этган Америка, Англия, Япония, Германия ва бошқа катор хорижий давлатларда тадқиқотчилар ҳозирги пайтда асосий эътиборларини худди шу масалага қаратмоқдалар. Бунга Мадэлин Беркли-Ален, Р. Брикман, Р.Кершнер, В.Биркенбил, Ч.Ликсон, Д.Карнеги, А.Пиз, Ф. Ницше, Л. Н. Гумилёв кабиларнинг ишларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.<sup>2</sup>

Ғарб мамлакатларида нутқий мулоқот, унинг социолингвистик, психолингвистик ва прагматик жиҳатларини ўрганишга бағишланган кўплаб махсус журналлар чиқа бошлади. Сўнгги йиллар АҚШ олимлари нутқий мулоқот соҳасида жуда катта тадқиқотларни олиб бораётганларини айтиб ўтиш керак. АҚШда мулоқот ва риторика билан машғул кўплаб илмий жамиятлар ва ассоциациялар ташкил топганини ва улар ўз илмий изланишларини чоп этиб бораётганликларини эслатиш зарурдир.<sup>3</sup>

Бу масалани тилшуносликнинг мустақил соҳаси сифатида ўрганишга рус тилшунослигида 20 - 30 йилларда киришилди.

1977 йилда Москвада “Национально-культурная специфика речевого поведения”<sup>1</sup> номли, сал кейинроқ “Национально-культурная специфика речевого обўения народов СССР”<sup>2</sup> номи билан муаллифлар ҳамкорлигидаги монографияларнинг чоп этилганлиги, шунингдек, А.А.Леонтьев, Н.В.Уфимцева, Ю.А.Сорокин, Л.В.Шчерба, В.В.Виноградов, А.Н.Гвоздев, А.И.Ефимов, Е.М.Верещагин, В.Г.Костомаров, С.И.Ожегов, Е.Ф.Тарасов, А.М.Шахнарович, В.Д.Бондалетов, В.М.Алматов, Н.И.Формановская, В.В.Колесов, Ю.Д.Дешериев, Г.В.Колшанский, Г.А.Золотова, Е.С.Кубрякова, В.В.Веселитский, М.И.Чижевская, Б.Н.Головин, Г.Титц, Л.М.Рязанова, В.П.Трофименко ва

---

<sup>1</sup> Қаранг: Звегинцев В. А. История языкознания XIX - XX веков очерках и извлечениях. Часть II-Москва, 1965, с. 127-128

<sup>2</sup>Қаранг: Мадэлин Беркли - Ален. Забытое искусство слушатр. - Санкт-Петербург: Питер, 1997, Ликсон Ч. Конфликт: семр шагов к миру. - Санкт - Петербург: Питер, 1997; Карнеги Д. Как вырабатывать уверенность в себе и влиятр на людей, выступая публично.- Ташкент: Шарк, 1992; Пиз А. Язык телодвижений. - Санкт - Петербург, Изд. дом Гутенберг, 1997.

<sup>3</sup> Қаранг: Rhetoric Society Quarterly. Vol, 24. № 1/2. 1994.

<sup>1</sup> Национально - культурная специфика речевого поведения - Москва: Наука, 1977.

<sup>2</sup> Национально - культурная специфика речевого обўения народов СССР. - М.: Наука, 1982.

бошқаларнинг бу муаммога оид қатор монографик тадқиқотларининг юзага келганлиги нутқий фаолият муаммосини тобора долзарб масалага айланиб бораётганлигидан далолат беради.

Туркологияда ҳам инсонларнинг ўзаро мулоқотга киришиш жараёни тилшуносларнинг диққатини анчадан бери ўзига жалб этиб келади. Жумладан, Ф. Ф. Султонов, Н. Джунусов, А. Б. Меджидова, Т. Айдаров, Т. Каракеева, Д. Скдқкбекова каби олимлар бу масала устида махсус изланишлар олиб борганлар.<sup>3</sup>

Ўзбек тилшунослигида бу масала билан жиддий шуғулланиш эндигина бошланди, дейиш мумкин. Бу ҳолни ўзбек тилшунос олимлари С. Иброҳимов, О. Усмонов, Э.Бегматов ва бошқалар 1969 йили Тошкентда нутқимиз ривожига масалалари мавзuida ўтказилган I Республика Конференциясида қилган маърузаларида алоҳида таъкидлайдилар. Жумладан: "...Масаланинг бундай қўйилишидан ўзбек тилшунослигида нутқ маданияти муаммоси, умуман, ўртага қўйилмаган экан, деган хулоса келиб чиқмаслиги керак. Нутқ одоби деб юритиб келинган қоидаларнинг ўзиёқ, бу масаланинг кўҳна тарихга эга эканлигини кўрсатади. Қолаверса, 20-30-йилларда тил қ у р и л и ш и, т и л с и ё с а т и деган номлар билан юритилган барча миллат ва халқ тиллари ривожига бевосита татбиқ этилган улкан тадбир ва чораларнинг ўша вақтда тил маданияти, эндиликда нутқ маданияти деб юритилаётган муаммога қанчалик алоқадорлигини белгилаш ғоят муҳимдир"<sup>1</sup>, деб ёзади Э. Бегматов. Афсуски, ўзбек тили нутқ маданиятига оид ишларда уни назарий жиҳатдан ўрганиш ўртага жиддий қўйилган эмас.<sup>2</sup> Ўзбек тилшуносларидан С. Иброҳимов, Э. Бегматов, Л. Хўжаева, И. Иброҳимов, Б. Ўринбоев, С. Иномхўжаев, Р. Қўнғуров, С. Каримов, Т. Қурбонов, А. Рустамов, А. Абдурахмонов, Н. Маҳмудов, Т. Қудратов, Ё. Тожиев, Н. Ҳасанова, Ҳ. Тожиматов, О. Йўлдошева, Б. Х. Раҳматуллаева, Ш. Искандароваларнинг ишларида нутқ маданиятига оид бир қатор назарий фикрлар айтилган.<sup>3</sup>

---

<sup>3</sup> Қаранг: Султонов Ф.Ф. Некоторые особенности коммуникативного поведения татар и башкир // Национально - культурная специфика речевого общения народов СССР. - М.: Наука, 1982, с. 93-101; Джунусов Н. Казахский переходный говор на территории каракалпакской АССР. - Автореф. дис. .... канд. филол. наук. - Алма-ата, 1965; Меджидова А. Б. Ленкорский говор Азербайджанского языка. - Автореф. дис. .... канд. филол. наук. - Баку, 1970. Айдаров Т. Язковке особенности казахов Тамдинского района Узбекской ССР. - Автореф. дис. .... канд. филол. Наук.-Ташкент - Алма-ата, 1967; Каракеева Т. О типологии коммуникации // Знак и общение. - Фрунзе: Илим, 1974, с. 88-101; Скдқкбекова Д. Особенности коммуникативного поведения киргизов // Национально-культурная специфика речевого общения народов СССР. - М.: Наука, 1982, с. 132-141.

<sup>1</sup> Бегматов Э. Нутқ маданияти проблемасининг пайдо бўлиши ва асосланиши // Нутқ маданиятига оид масалалар. - Тошкент: Фан, 1973, 166-167-б.

<sup>2</sup> Яна қаранг: Қўнғуров Р., Бегматов Э., Тожиев Ё. Нутқ маданияти ва услубияти асослари. - Тошкент: Ўқитувчи, 1992, 10-б.

<sup>3</sup> Қаранг: Иброҳимов С. Ўзбек тили нутқ маданиятига доир // Ўзбек тили ва адабиёти, 1964, 5-сон; Бегматов Э. Ўзбек нутқ маданияти масалалари // Ўзбек тили ва адабиёти, 1980, 4-с; Хўжаева Л. Нотиклик санъати. -

Номлари таъкидлаб ўтилган муаллифларнинг ишларидан маълум бўладики, ўзбек тилшунослигида ҳам нутқ маданияти ва унинг назарий масалалари бўйича анчагина изланишлар олиб борилган. Бироқ бу изланишларнинг аксарияти нутқ маданиятини соф лингвистик, услубий ёки педагогик мақсадда ёритиб беришга қаратилган бўлиб, масалага ижтимоий-лисоний аспектда ёндашилмаган.

Хуллас, асрлар мобайнида кишиларни қизиқтириб келган нутқ маданияти соҳаси илмий муаммо сифатида тан олинди ва уни чуқур тадқиқ қилиш лозимлиги кўпчилик олимлар томонидан маъқулланди.<sup>4</sup> Шу сабабли ҳам тилшунос В. В. Веселитский 60-йилларнинг бошларидаёқ: “Ҳозирда нутқ маданияти бўйича тадқиқот олиб боришнинг зарурлигини исботлаб ўтириш ортиқчадир”<sup>5</sup> деб ёзган эди.

Шундай экан, Ўзбекистон дунёга, дунё халқлари Ўзбекистонга назар ташлаётган, бутун ўзбек халқи ўз Президенти атрофида тобора мустаҳкамроқ жипслашиб, миллий маънавият, миллий онг, миллий мафкура ҳақида ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ қайғураётган бугунги кунда биз билан дўстона ва самимий мулоқотда бўлишни истовчи давлатлар ва миллатлардан ўзбекларнинг ўзига хос мулоқот хулқини ҳам сир тутмаймиз, аксинча, ўзбеклар билан муомала чоғида нималарга эътибор бериш лозимлигини аввало ўзимизга ва бошқаларга ўргатамиз. Зеро, ҳеч бир инсон, ҳеч бир миллат ўзлигини теран англамасдан туриб ўзгани дуруст тушуниб етмаган.

#### НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Нутқ маданияти курсининг долзарблиги нимада?
2. Нутқ маданиятига дунё миқёсида қандай эътибор берилмоқда?
3. Туркология ва ўзбек тилшунослигида нутқ маданиятига қандай эътибор берилмоқда?
4. Нутқ маданиятининг асосий мезонлари нимада?
5. Нутқ маданиятининг бошқа фанлар билан алоқаси ҳақида нималарни биласиз?
6. Нутқ маданиятига боғлиқ қандай йирик асарларни биласиз?
7. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарларида тил ва нутқ маданиятига қандай эътибор қаратилмоқда?
8. Нутқ маданиятига оид қандай асосий адабиётларни биласиз?

---

Тошкент, 1967; Иброҳимов И. Нутқ маданияти ва адабий талаффуз ҳақида. - Тошкент: Фан, 1972; Ўринбоев Б. Сўзлашув нутқи. - Тошкент: Фан, 1979; Иномхўжаев С. Нотиклик санъати асослари. - Тошкент: Ўқитувчи, 1982; Қўнғуров Р., Каримов С., Қурбонов Т. Нутқ маданияти асослари. - Самарқанд, 1985; Абдурахмонов Х., Маҳмудов Н. Сўз эстетикаси. - Тошкент, 1981; Қудратов Т. Нутқ маданияти асослари. - Тошкент: Ўқитувчи, 1993; Тожиев Ё., Ҳасанова Н., Тожиматов Х., Йўлдошева О. Ўзбек нутқи маданияти ва услубияти асослари. - Тошкент, 1994; Раҳматуллаева Б. Х. Этикетке формқ обращения и привлечения внимания в современном русском языке (в сопоставлении с узбекским). - Автореф. дис. .... канд. филол. наук. - Тошкент, 1992; Искандарова Ш. Ўзбек нутқ одатининг мулоқот шакллари. филол. фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган дис. автореф. - Самарқанд, 1993.

<sup>4</sup> Қўнғуров Р., Бегматов Э., Тожиев Ё. Нутқ маданияти ва услубияти асослари. - Тошкент: Ўқитувчи, 1992, 19-б.

<sup>5</sup> Веселитский В.В. О некоторых понятиях правильной речи // Вопрос културк речи, № 6, - М., 1961, с. 69.

9. Нутқ маданиятига оид қандай илмий тадқиқотларни биласиз?  
10. Маҳаллий матбуотда нутқ маданияти борасида қандай фойдаланиш мумкин?

#### ТАЯНЧ ИБОРАЛАР:

1. Нутқ маданияти
2. Тил маданияти
3. Социолингвистика
4. Психолингвистика
5. Социопсихолингвистика

#### АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997.
2. Беруний. Танланган асарлар. III том, Тошкент, 1982.
3. Абу Наср Фаробий. Рисолалар. Тошкент, 1975.

#### 2-МАВЗУ:

#### МУЛОҚОТ ХУЛҚИ ВА МИЛЛИЙ МАФКУРА

#### Р Е Ж А:

1. Мулоқот хулқи ва миллий характер.
2. Миллий характернинг лисоний ва нолисоний воситаларда ифодаланиши.
3. Хулоса.

Мулоқот хулқи (МХ) муаммосини миллий характер - миллат аҳолисининг ўзига хос урф-одатлари, кадрият ва анъаналарини ҳисобга олмасдан туриб ўрганиш мутлақо мумкин эмас. Чунки МХ миллат характерининг узвий бир қисми бўлиб, улар бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир.

Миллий характер деганда, маълум ижтимоий гуруҳ (миллат - С. М.) ўртасида асрлар мобайнида авлоддан-авлодга ўтиб келган ўзига хосликлар мажмуи тушунилади. Миллий характерга мазкур миллат аҳолиси сиғинадиган дин, атроф-муҳит ва ижтимоий турмуш тарзи жиддий таъсир кўрсатади ва бу таъсир ўз-ўзидан МХ да намоён бўлади.<sup>1</sup>

Диннинг МХ га кўрсатадиган таъсири, уларни бир-биридан ажратиб бўлмаслиги Ўзбекистон президенти И. А. Каримовнинг кўпгина асарларида, айниқса, “Туркистон-пресс” ахборот агентлиги мухбирининг саволларига жавобларида алоҳида эътироф тилди: “...биз ўз миллатимизни мана шу муқаддас диндан айрим ҳолда асло тасаввур қила олмаймиз. Диний кадриятлар, исломий тушунчалар ҳаётимизга шу қадар сингиб кетганки, уларсиз биз ўзлигимизни йўқотамиз. Хоҳ ёш бўлсин, хоҳ кекса бўлсин, ҳар бир ўзбек нимагаки муносабат

---

<sup>1</sup> Сухарев В. А. Характер, поведение и деловые качества народов мира // Этика и психология делового человека. - М.: Гранд, 1997. С. 119.

билдирмасин, албатта уни беихтиёр Яратувчининг номи билан боғлайди. Ҳар бир сўзимизни, ишимизни бисмилло айтиб бошлаймиз, яхши-ёмон кунларимизда худога шукрона келтирамиз, тавба қиламиз. “Шукур” деган каломни ҳар куни айтмайдиган инсон Ўзбекистонда бормикан ўзи! Билсангиз керак, пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳам “шукур” ва “тавба” деган сўзларни энг кўп ишлатар эканлар....”

Бу ҳақдаги фикрини давом эттирар экан, Президент И. А. Каримов ижтимоий муҳит таъсирида ҳатто диндан чуқур хабардор бўлмаган одам ҳам диний урф-одатларсиз, исломий туйғусиз яшай олмаслигини, мусулмончилик, Оллоҳга, динга муносабат баъзи миллий қадриятларда ҳам яққол кўринишлигини, ҳар бир мусулмон ўзбекистонлик уларга беихтиёр риоя қилишлигини алоҳида таъкидлайди: “Ҳаммамизга таниш бир манзарани эслайлик. Кўчадан тобут кўтариб бориляпти. Дуч келган йўловчи - у пиёдами, машинадами ёки отдами - дарҳол югуриб келиб тобутга елкасини тутди. Камида етти қадам уни кўтаришиб боради. Марҳумни танийдими-танимайдими, бундан қатъи назар, Худо раҳмат қилсин, дея юзига фотиҳа тортади... Энг муҳими, биз бу ишларни намойиш учун эмас, имонимиз, этиқодимиз амри билан адо этамиз...”<sup>1</sup>

Ер юзи табиати нақадар ранг-баранг ва хилма-хил бўлса, унда яшовчи аҳолининг этник тузилиши ҳам шу қадар турли-тумандир. Юқорида санаб ўтилган омиллар таъсирида ҳар бир миллатнинг алоҳида бўртиб турадиган ўзига хос характер хусиятлари бўлади. Турли миллат вакиллари ўртасида бўладиган ўзаро муомала чоғида бу каби жиҳатларни инобатга олмаслик турли тушунмовчилик, келишмовчилик, ҳатто тўқнашувларни юзага келтириб чиқариши мумкин.

Бу ҳақда В. А. Сухарев ўзининг “Ишбилармон кишининг этика ва психологияси” номли китобида ғарбий Европа доришунослик компанияси фаолиятида рўй берган бир ҳаётий мисолни келтиради. Унда компания Европа мамлакатларида яхшигина харид бўлган оғриқ қолдирувчи препаратни араб давлатларига ҳам сотиш учун олиб боргани, аммо дастлабки кунлари араб халқлари бу препаратни умуман сотиб олмаганлари ҳақида ҳикоя қилинади. Кейинчалик маълум бўлишича, ҳамма айб компания препаратни реклама қилишда араб халқлари миллий ўзига хослигини инобатга олмаганлигида экан. Чунки учта расмдан иборат рекламанинг биринчисида аёл кишининг оғриқдан бақираётгани, иккинчисида препаратни қабул қилаётгани, учинчисида эса дарддан фориг бўлиб, яхши кайфиятда турган ҳолати тасвирланган ва бу расмлар европаликлар удумига кўра чапдан ўнгга қараб кўриладиган қилиб қўйилган экан. Ўнгдан чапга қараб ёзадиган араблар расмларни ҳам шундай

---

<sup>1</sup>Каримов И. А. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда//Халқ сўзи, 1999, 6 март.



тартибда кўрганликлари учун компания рекламаси уларга мутлақо тескари маълумот берган ва шунинг учун улар препаратни сотиб олишмаган экан.<sup>1</sup>

Шунга ўхшаш воқеа ўзбек ва бошқа миллат кишилари ҳаётида ҳам бўлиб туради. Бир дўстимиз Фарғона шаҳрида бўлиб ўтган бир воқеани шундай ҳикоя қилиб берган эди: “Уйимизда рус миллатига мансуб телевизиор тузатадиган уста ишлаётган пайтда кутилмаганда ҳикичоқ тутиб қолибди. Дадам рус устага “нима ўғирладинг?” деган экан, у: “мен сенга яхшилик қилгани келсам, сен мени ўғри қилдинг”, - деб телевизорни тузатмай чиқиб кетибди. Дадам бизнинг одатимиз шундай, деса ҳам, у ёлғон гапиряпсан, деб ишонмапти...” Маълумки, ўзбекларда ҳикичоқ тутаётган кишига “нима ўғирладинг?” деб қўйиш одати бор. Қўқисдан шундай де-йилса, ҳикичоқ бирпасда босилиб қолади ва кулги кўтарилади. Буни билмаслик эса ўзаро тушунмовчиликни келтириб чиқарган.

Нолисоний воситаларни қўллашда ҳам миллий ўзига хосликлар кўп кузатилади. Жумладан, “шундай имо-ишоралар борки, улар шартли характерга эга бўлиб, миллий хусусиятлар касб этиши мумкин. Чунки у жамоа томонидан маълум маънони ифодалаш символидир. Бошқа бир жамоада эса бу ишора ё ҳеч қандай коммуникатив вазифа бажармайди ёки бошқа маънони англатиши мумкин. Масалан, “хайр” маъносини ифодалаш учун руслар кафтини ўзидан орқага қилиб вертикал ҳолатда такрор-такрор силкитса, италян кафтини ўзига қаратиб вертикал ҳолатда силкитади”.<sup>1</sup>

Саломлашиш жараёнида Европа халқлари бир-бирларининг ўнг қўлларини сиқадилар, Ҳиндистонда саломлашиш белгиси сифатида икки кафтини юз олдида жуфтлаштирадилар, эскимослар эса саломлашиш учун бир-бирларининг бурунларини ишқалашади. Қадимги Хитойда эса юқори табақа вакиллари учрашганда ҳар бири ўз ўнг қўли билан чап қўлини сиққан экан.<sup>2</sup>

Қуйида ўзбек миллий характери учун хос бўлган энг муҳим хусусиятлар ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиз.

Ўзбек халқи асрлар мобайнида ўзига хос хилма-хил урф-одатлар ва маросимларни яратди. Аввало, шуни айтиб ўтиш керакки, асрлар давомида бир маконда аралаш яшаб келган Марказий Осиё халқларининг анъаналари ва урф-одатларида ўхшашликлар кўп. Турли тарихий даврларда Ўзбекистоннинг туб ерли турғун аҳолисига келиб қўшилган қабила ва элатлар ўтроқлашиб, ўзбекларнинг удумларини қабул қилганлар ва унга ўз ҳиссаларини қўшганлар.

Қадимдан анъана бўлиб келган ҳашар, меҳмондўстлик, катталарни ҳурмат қилиш ўзбеклар характерининг энг муҳим хусусиятларидан саналади.

---

<sup>1</sup> Сухарев В. А. Этика и психология делового человека. с. 120-121.

<sup>1</sup> Нурмонов А. Ўзбек тилининг паралингвистик воситалари ҳақида. - Андижон, 1980, 10-б.

<sup>2</sup> Александров А. Пожмем друг-другу руки. // Новая строителная газета, 1992, № 16.

Ҳашарнинг оилавий, қўни-қўшнилар, маҳалла-қўй ва ҳатто мамлакатлар миқёсида ўтказиладиган турлари мавжуд. Оилавий ҳашарлар кўпинча иморат тиклаш ишларида қавм-қариндошлар иштирокида ўтказилади. Қўни-қўшнилар ўртасида бўладиган ҳашарларда кўпгина дала ишлари, экин-тикин, уй қуриш, ҳовли деворини қўтариш, тўй-ҳашам ишлари бажарилади. Одатда, ҳашарга айтилган кишиларнинг келиши шарт бўлган. Узрли сабаб билан келолмай қолган киши ҳашарчилар учун таом пишириб чиқарган ёки кейинчалик фурсат топиб, бир кун ишлаб берган.

Шарқ халқларимизда, жумладан, ўзбек халқида меҳмондорчилик одати ҳам кенг тарқалган.

Ибтидоий (уруғчилик)даврида шаклланган меҳмондорчилик одати ҳаётий заруратлар билан боғлиқ бўлганлигидан барча ижтимоий-иқтисодий босқичларни ўтиб ҳозирга қадар етиб келган.

Меҳмон одатда меҳмонхона (меҳмон кутиб олиш учун қурилган махсус хона) ёки уйнинг тўрисида ўтказилади. Меҳмон бегона киши бўлиши ҳам мумкин. Бундай меҳмон кўпинча мўлжалланган манзилга етолмай, кеч-қоронғуда қолган, қор-бўронга учраган, йўлдан адашган бўлади. Қишлоққа (маҳаллага) келган йўловчи тўғри келган уй олдида тўхтаб, эшигини қоққан. Уй соҳиби чикқач, “меҳмон қабул қиласизми?” деб сўрайди. Мезбон “меҳмон атойти худо” - “меҳмон худо ато этган киши, албатта қабул қиламиз”, деб у билан кўришгач, уйга таклиф қилади. Агар хонадон соҳибининг узрли сабаби (азадорлик, оғир бемор кишиси ва ҳ.к.) бўлса, ўз узрини айтиб, “бошқа хонадондан илтимос қилинг” қабилида жавоб қилинган. Келган меҳмондан мазкур хонадон соҳиблари олдинлари кўп ёмонлик кўрган бўлсалар ҳам барибир меҳмондорчилик удумига риоя қилинаверган.<sup>1</sup> Шунинг учун ҳам ўзбекларнинг меҳмон кутиш ва кузатишдаги ўзига хосликлари тўғрисида ўнлаб мақола ва китоблар ёзилган.<sup>2</sup>

Катталарни ҳурмат қилиш Шарқ халқларининг, жумладан, ўзбекларнинг қадимий удумларидан бири бўлиб, бу одат ибтидоий жамоа тузуми давридан давом этиб келмоқда.

Булардан ташқари, нонни эъзозлаш, ёшларни иззат қилиб, уларни одоб-ахлоқ руҳида тарбиялаш, табиатни кўз қорачиғидай асраш каби одат ва қадриятлар ҳам ўзбеклар характерининг муҳим қирраларидир.

Ўзбек халқида инсоннинг ўлими ва дафн маросимлари одатлари билан боғлиқ бир қанча маросимлар бўлиб, йиғи маросими МХ билан жуда яқинлиги учун у ҳақда қисқача тўхталиб ўтамиз.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси: Энциклопедия, -Тошкент: Қомуслар Бош таҳририяти, 1997, 589-б.

<sup>2</sup> Яна қаранг: Насриддинов Қ. Ўзбек дафн ва таъзия маросимлари.-Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1996. 35-51-бетлар.

Кўп ерларда, айниқса, қишлоқ жойларда йиғи маросими одат тусига кирган бўлиб, ўзига хос тартибда ўтади. Аёллар якка тарзда ёки бир-бирлари билан кўришиб ёки давра куриб ўтириб (кўпинча тик туриб) йиғлайдилар. Одатда, қишлоқда, шаҳар маҳаллаларида аза кўшиғини айтувчи йиғичи (гўянда) аёллар бўлган. Таъзия маросимида йиғини гўянда бошлайди. Айтувчи ўртага тушади ва вафот этганнинг белбоғи, марҳум аёл киши бўлса рўмолини бўйнига ташлаб, унинг яхши хислатларини, тириклигида қилган ишларини яқинлари тилидан таъсирли қилиб айтиб йиғлайди.

Йиғининг иккинчи кўриниши садр (садр тепиш) номи билан маълум. Бунда маросимга йиғилган аёллар тик туриб, давра куриб йиғлайдилар. Айтувчи давранинг ўртасида бўлади, у билан давра ичида шу хонадоннинг аламзада аёлларидан бири (онаси, хотини, қизи ва б.) ҳам бўлган. Кўп жойларда, масалан, Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида эркаklar ҳам садр тепганлар. Аммо бошқа вилоятларда садр тепиш кам учрайди.<sup>1</sup> Бу масалада қишлоқ ва шаҳарнинг анчагина фарқи бор. Яъни эркаklar томонидан садр тепиш, марҳум ётган хонага “отам-ма”, “онам-ма”, “акам-ма” ва ҳ.к. деб йиғлаб кириш кўпроқ қишлоқликлар удумига мос бўлиб, шаҳарларда бундай одат деярли учрамайди<sup>2</sup>.

Ўзбек халқи ҳаётида амал қилинадиган тартиб ва қоидалар халқ анъаналари ҳамда ислом дини ва шариат асосида юзага келган, албатта. Чунки одоб-ахлоққа оид китобларда ҳам, катталар томонидан ёшларга қилинадиган панд-насихатларда ҳам муқаддас Қ у р ь о н и карим, Ҳадиси шарифга таянилган. Жумладан, XIX асрнинг бошларида Муҳаммад Содик Кошғарий ўзининг “Одоб-ас-солиҳин” (“Яхши кишилар одоби”) китобида бу ҳақда шундай ёзади. “Бас, толиби содиклар... одоби зоҳирий ва одоби ботинийни билиб, анга амал қилмоқлари лозим келди, токи булар ҳам талаби сулук (йўл)ларини фойда топиб, улуғлар мартабаларига етгайлар ва ушбу нусхада зарурий одоби зоҳир ва ботиний кутуби мўътабарлари (мўътабар китоблар)дин жамъ қилинди...”<sup>1</sup>

Бундан мусулмон халқлари ахлоқига ислом дини қонун-қоидалари мазкур китобга ўхшаш адабиётлар орқали сингдириб борилгани маълум бўлади. Жумладан, ушбу китоб биринчи боб, биринчи фаслида кишилар ҳузурига кирмоқлик одоби хусусида сўз юритилиб, қуйидагилар баён қилинадики, уларнинг ҳаммаси ислом дини қонун-қоидалари билан бевосита боғлиқдир: “...ҳар ким бир кишининг эшигига бориб кирмак истаса, аввал ул кишига ўзининг келганини эшикни орқасидан билдирғай, ушбу тариқадаки, эшикни оҳиста қоқғай ё сўрфа қилғай (йўталғай). ... агар овоз чиқса, эшикни орқасидин анга салом бериб, айғайки: “Ичкари кирайму?” Бу изн тиламоқ то уч мартабағачадур. Ҳар изн тилагандан сўнг тўрт ракаат намоз ўқумоқ миқдори таваққуф қилғай (яъни кутиб турғай)”<sup>2</sup>.

---

<sup>1</sup>Ўзбек меҳмоннавозлигининг нафосати, одоб ва эътиқодий томонлари тўғрисида қаранг: Маҳмудов К. Меҳмоннома. -Тошкент: Ёш гвардия, 1989.

<sup>1</sup>Муҳаммад Содик Кошғарий. Яхши кишилар одоби // Шарқ юлдузи, 1990, 5-с.,

<sup>2</sup>Муҳаммад Содик Кошғарий. Яхши кишилар одоби // Шарқ юлдузи, 1990, 5-с.,

Бу ўринда йўқлаб келинган мезбон чақирилган пайтда намоз ўқиётган бўлиши мумкинлиги инобатга олиниб, тўрт ракаат намоз ўқимоқ вақт ўлчов бirlиги сифатида келтирилмоқда.

Юқорида айтиб ўтилганидек, миллий характер ва ижтимоий муҳит фақат дин таъсиридагина шаклланиб қолмай, унга атроф-муҳит, яъни ижтимоий экология ҳам анча кучли таъсир этади.

#### НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Мулоқот хулқи ва миллий характер деганда нимани тушунасиш?
2. Миллий характернинг лисоний воситалари нима?
3. Миллий табиатнинг нолисоний воситаларда ифодаланишини тушунтириб беринг.
4. Миллий мафкуранинг мулоқот хулқида аён бўлишлиги ҳақида қандай асарлар яратилган?
5. Ўзбеклар мулоқот хулқининг қандай ўзига хослик томонларини биласиз?
6. Ислom динининг ўзбек миллий мулоқот хулқига таъсири ҳақида нималар биласиз?
7. Табиат ва иқлим шароити мулоқот хулқига қандай таъсир этади деб уйлайсиз?
8. Ўзбеклар мулоқот хулқи ҳудудий жиҳатдан фарқланишини қандай изоҳлайсиз?
9. Мулоқот хулқининг миллий мафкура билан болиқлигини билиш қандай аҳамиятга эга?
10. Ўзингизда ўз миллатингиз мулоқот хулқига оид белгиларни кузатганмисиз?

#### ТАЯНЧ СЎЗ ВА ИБОРАЛАР:

1. Мулоқот хулқи.
2. Лисоний восита.
3. Нолисоний восита.

#### АСОСИЙ АДАБИЁТЛАР:

1. Сухарев В.А. Характер, поведение и деловые качества народов мира // Этика и психология делового человека. – М.: Грант, 1997.
2. Нурмонов А. Ўзбек тилининг паралингвистик воситалари ҳақида. – Андижон, 1980.
3. Александров А. Пожмем друг-другу руки. // Новая строительная газета, 1992, с-16.

#### 3-МАВЗУ:

### МУЛОҚОТ ЖАРАЁНИ КОМПОНЕНТ (УЗВ)ЛАРИ

#### РЕЖА:

1. Коммуникация (мулоқот) ҳақида тушунча.
2. Коммуникация турлари.
3. Коммуникация компонент (узв) лари.

“Русча-ўзбекча луғат”да коммуникация сўзининг қуйидаги маъно турлари берилган: 1. Коммуникация, алоқа йўли, йўл; сув йўллари; алоқа темир йўллари;

алоқа (алоқа йўллари, коммуникация)ни йўлга қўймоқ; душман алоқа йўлларини кесиб қўймоқ; 2. лингв. коммуникация, алоқа, фикр алмашиш (алмашув).<sup>1</sup> Табиийки, биз ўз ишимизда коммуникация сўзини унинг луғатда берилган иккинчи маъносида, мулоқот сўзини эса унинг синоними сифатида қўллаймиз.

Мулоқот узвлари деганда алоқа, фикр алмашилиш, сўзлашиш жараёнида бевосита ва бавосита қатнашадиган таркибий қисмлар назарда тутилади.

Маълумки, ҳар қандай мулоқотда сўзловчи ва тингловчи зарурий узв (таркибий қисм)лар сифатида, албатта иштирок этади. Бу муаммога бағишланган кўпгина адабиётлардаги каби бизнинг ишимизда ҳам сўзловчи, яъни хабар берувчи, гапирувчи а д р е с а н т , к о м м у н и к а т о р деб, адресантнинг нутқи қаратилган шахс - тингловчи а д р е с а т , к о м - м у н и к а н т деб, мулоқотда бавосита (ботинан) иштирок этувчи ёки мулоқотга бавосита таъсир этувчи омиллар эса т а ў с и р б и р л и к - л а р и (қисқача - ТБ) деб юритилади. ТБни шартли равишда қуйидаги икки гуруҳга бўлиш мумкин:

I. И ч к и т а ў с и р б и р л и к л а р и.

Бунга адресант ёки адресат шахси билан бевосита боғлиқ қуйидаги белги-хусусиятлар киради:

1. Миллати.
2. Жинси.
3. Ёши.
4. Ижтимоий белгилари.
5. ТБга яқинлик даражаси.

II. Т а ш қ и т а ў с и р б и р л и к л а р и.

Бунга мулоқотга бавосита таъсир этувчи қуйидаги ташқи омиллар киради:

1. Мулоқот вақти.
2. Вазият, ҳолат.
3. Ижтимоий ҳолат.

Ҳар қандай объект (муаммо) тасниф орқали ўрганилгани каби мулоқот ҳам тасниф этилганда, ўзига хос жиҳатлари яққолроқ намоён бўлади:

Н. И. Формановская мулоқотни турли нуктаи назардан қуйидаги турларга бўлади:

1. Коммуникантларнинг макон ва замонга нисбатан ҳолатига кўра: юзма-юз (контакт) - масофали (дистант) мулоқот.
2. Воситачилик қилувчи “аппарат”нинг мавжуд ёки мавжуд эмаслигига кўра: бевосита - бавосита мулоқот.
3. Тил бирликларининг шаклланишига кўра: оғзаки - ёзма мулоқот.
4. Сўзловчи ва тингловчи позициясига кўра: диалогик - монологик мулоқот.
5. Мулоқот иштирокчилари миқдорига кўра:

---

<sup>1</sup>Формановская Н. И. Речевой этикет и култура обуения. - М.: Вкспшая школа, 1989, с. 8-10.

шахслараро - оммавий мулоқот.

6. Мулоқот шарт-шароити ва коммуникантларнинг ўзаро муносабатига кўра: (хусусий) норасмий - расмий мулоқот<sup>1</sup>.

Н.И.Формановская таснифига қўшилган ва ишимиз моҳиятидан келиб чиққан ҳолда қуйида уларнинг ҳар бири ҳақида қисқача тўхталиб ўтамыз.

Юзма-юз мулоқотда коммуникантлар бир-бирларини нафақат эшитиб, балки кўриб ҳам турганликлари боис вазият, имо-ишора ва талаффузга суяниб иш юритадилар. Мулоқотнинг бу тури айтилмоқчи бўлган фикрнинг хатти-ҳаракат, кўз ва юзлардаги ифодалар, талаффуз оҳанглари ёрдамида адресатга тезроқ ва осонроқ етиб боришлиги билан ажралиб туради.

Масофали мулоқотда макон ва замонга кўра коммуникантлар ўртасида маълум бир масофа бўлади. Мулоқотнинг бу турига телефон ёки хат орқали алоқа қилиш (фикр алмашиш)лар киради.

Бевосита мулоқот юзма-юз суҳбат, маъруза каби масофасиз мулоқот билан боғлиқ.

Бавосита мулоқот турларига телефон, телеграф, радио, телевидение каби техник воситалар, хат, газета каби қоғоз орқали бўладиган алоқалар киради.

Оғзаки мулоқот ўз белгиларига кўра масофасиз, бевосита мулоқот турига кирса, ёзма мулоқот масофали ва бавосита мулоқот ҳисобланади.

Мулоқотнинг ҳар икки тури ўзига хос қулайлик (афзаллик) ва ноқулайлик жиҳатларига эга. Жумладан, сўзловчи оғзаки мулоқотда ўз фикрини мураккаб грамматик қурилишларсиз турли нолисоний воситалар ёрдамида анча эркин баён этиш имконига эга бўлса, ёзма нутқини таҳрир қилиш орқали янглиш ёзилган фикрларни тўғрилаш, матн таъсирчанлигини ошириш каби имкониятларга эга бўлади. Оғзаки ва ёзма нутқ вазият, ҳолат билан боғлиқ ҳолда адресатга турлича таъсир этади. Жумладан, ўқитувчи дарсда, нотик маъруза пайтида, гу-воҳ судда, севишганлар учрашув пайтида ўз фикрини ўқиб берса, бу матн қанчалик мазмундор бўлмасин таъсирсиз бўлади. Аммо нотикнинг ўша мазмунли маърузаси матбуотда эълон қилинса, услуб нуқтаи назаридан у маъруза пайтида ўқиб берилганидан кўра адресатга кучлироқ таъсир этиши мумкин.

Диалогик мулоқотда сўзловчи ва тингловчи ўрни алмашилиб туради ва нисбатан қисқалиги, синтактик жиҳатдан ихчам ва соддалиги, коммуникантлар билим ва савиясининг умумийлиги билан ўзига хослик касб этади. Бундай муомалада коммуникантларнинг бир-бирларига бўлган муносабати, одоб-ахлоқи яққол кўзга ташланади. Жумладан, ўзбек мулоқот ҳулки меъёрига кўра ёши, илми ва бошқа ижтимоий белгилари суҳбатдошиникидан қуйи бўлган кишилар диалогик муомалада лўнда ва қисқа гапиришлари талаб этилади. Мисол учун Абдулла Қодирийнинг “Меҳробдан чаён” романидан бир парча келтирамыз:

“...Охирғи хатми қуръон кечи Муҳаммад Ражаббек Анвардан аҳвол сўради:- Домлангиз саломатми?

- Шукур.

- Ўқушингиз яхшими?
- Бирмунча.
- Домланинг уйида турасиз?
- Тақсир.
- Сикилмайсизми?
- Йўқ.
- Илми ҳисоб ўқуганингиз борми?
- Йўқ, тақсир.
- Домлангиз илми ҳисобни билурмикин?
- Билмаслар деб ўйлайман.
- Агар мен бир домла таъин қилсам, ҳисоб ўқуйсизми?
- Устозим рухсат берсалар, албатта ўқуйман.
- Хўб... бўлмаса эрта кечга домлангиз шу ерга келиб, менга учрашсин.
- Хўб, тақсир”.<sup>1</sup>

Монологик нутқда сўзловчи (ёзувчи) узоқ вақт ўзининг коммуникатив ролини тарк этмайди.

Монологик ва диалогик нутқ турлари бўйича кўп ишлар қилинганлиги учун бу ҳақда бошқа тўхталмаймиз.

Шахслараро ва оммавий мулоқотларнинг энг муҳим жиҳатлари шундаки, шахслараро мулоқотда фақат икки киши иштирок этса, оммавий мулоқотда бир киши бир неча киши ёки омма билан бир хил фикр билдирганлари ҳолда, оммавий мулоқот тўғрисида турлича фикрларни ўртага ташлайдилар. Жумладан, Н. Н. Богомоллова оммавий мулоқот деганда, бир кишининг радио, телевидения каби техник воситалар орқали омма билан бўладиган бир томонлама (монологик) мулоқотини тушунади ва мулоқотнинг бу турида техник воситанинг ўрни муҳим эканлигини алоҳида таъкидлайди.<sup>2</sup> Н. И. Формановская эса жамоат олдидagi оммавий чиқиш (сўзлаш), маъруза қилишларни ҳам оммавий мулоқотга киритади.<sup>3</sup> Биз ҳам унинг фикрига қўшилган ҳолда дорбоз ва полвонларнинг халқ олдидagi чиқишларини ҳам оммавий мулоқотнинг бир тури деб ҳисоблаймиз.

Давлат, ташкилот, гуруҳ раҳбарларининг ўзаро дипломатик ва расмий муомаласи, расмий мулоқот дейилса, тенг-туш, ўртоқ-ярим, дугоналар, севишганлар ва шу кабилар ўртасидаги муомалалар хусусий ёки норасмий мулоқот ҳисобланади.


Адресантларнинг жонли ва жонсиз, конкрет ва мавҳум бўлишига кўра М. С. Каган мулоқот оламини қуйидагича таснифлайди:<sup>4</sup>

<sup>1</sup> Абдулла Қодирий. Ўткан кунлар; Мехробдан чаён. - Тошкент: Фафур Гулом номидаги Нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1992, 41-б.

<sup>2</sup> Богомоллова Н. Н. Массовая коммуникация и обучение. - М.: Знание, 1988, с. 26-27.

<sup>3</sup> Формановская Н. И. Речевой этикет и культура - обучения. с. 10.

<sup>4</sup> Каган М. С. Мир обучения. - М.: Изд. Политической литературы, 1988, с. 250.



#### НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Коммуникация (мулоқот) ҳақида нимани биласиз?
2. Коммуникация турлари деганда нималарни тушинасиз?
3. Коммуникация компонент (узв)лари нима?
4. Адресант ва унинг мулоқот жараёнидаги ўрни қандай?
5. Адресат ва унинг мулоқот жараёнидаги ўрни қандай?
6. Коммуникатор (ТБ) ва унинг мулоқот жараёнидаги ўрни қандай?
7. Мулоқот жараёни компонентлари ҳақида қандай адабиётлардан фойдаланиш мумкин?
8. Мулоқот жараёнида бавосита иштирок этадига компонентлар ҳақида нималар биласиз?
9. Мулоқот жараёни компонентларининг нутқ мавзусига боғлиқ томонлари нимада?
10. Мулоқот жараёни компонентларини билишнинг илмий аҳамияти нимада?

#### ТАЯНЧ СЎЗ ВА ИБОРАЛАР:

1. Мулоқот хулки.
2. Мулоқот компонент (узв)лари.
3. Адресант, адресат, коммуникатор.
4. Прагматик контекст.



## АСОСИЙ АДАБИЁТЛАР:

1. Русча-ўзбекча лугат. 2 томли, 1-том, -Тошкент: Ўзбек совет энциклопедияси бош редакцияси, 1983, 445-бет.
2. Формановская Н.И. Речевой этикет и культура общения. –М.: Высшая школа, 1989.
3. Абдулла Қодирий. Ўтган кунлар, Мехробдан чаён. \_Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1992.
4. Каган М.С. Мир общения. –М. : Изд. Политехнической литературы, 1988.

## 4-МАВЗУ:

### НОТИҚЛИКНИНГ БИРИНЧИ ШАРТИ

#### Р Е Ж А :

1. Нотиқликнинг энг муҳим шарти.
2. Тинглаш – адресат фаолиятининг муҳим босқичи.
3. Тинглашнинг вазият, ҳолат билан боғлиқ томонлари.

Мулоқот жараёни, жумладан, адресат фаолиятида тинглаш қандай аҳамият касб этишлиги ҳақида фикр юритишдан аввал, тинглашнинг инсон нутқ фаолиятида тутган ўрни ва роли ҳақида тўхталиб ўтишга тўғри келади.

Маълумки, нутқ инсонни табиатдаги бошқа жонзотлардан фарқлаб, улуғлаб турадиган ижтимоий ҳодисадир. Фақат инсонларгагина хос бўлган бу муҳим хусусият эса бевосита тинглаш билан боғлиқдир. XI асрда яшаб ўтган шарқ донишмандларидан бири Кайковуснинг “Қобуснома” асарида таъкидланишича, инсон эшитиш қобилияти мавжудлиги учунгина гапира олади. Шунинг учун у ўзгалар сўзини диққат билан тинглашга чақиради: “Эй фарзанд, токи қила олсанг, сўз эшитмакдин қочмағилким, киши сўз эшитмак билан сухангўйлик ҳосил қилур. Аввало, буни шундоқ далиллаш мумкин: агар бир ўғлон онадан туғилса, унга ернинг остидан бир жой қилиб сут бериб, ул жойда парвариш қилсалар, онаси ва дояси унга гапирмасалар, у ўғлон ҳеч кишининг сўзин эшитмаса, улуғ бўлғонда лол (соқов) бўлур.

Кўрмасмусанким, барча лоллар қар бўлурлар...”<sup>1</sup>

Ҳа, МХ тизимида новербал воситалар ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, “мен”да пайдо бўладиган фикр ва тасаввурларнинг барчаси онг-шууримиз орқали ўтади. Зеро, эшитиш қобилияти туфайли инсонда тил, нутқ пайдо бўлади - қулоқдан кирган товуш, сўз, ибора ва гаплар онгда қайта шаклланиб, ўзига хос усулда товуш нутқи орқали намоён бўлади. Демак, тинглашни билмаган одам сўзлашни ҳам билмайди.

Кўринадики, тинглаш инсон фаолиятида жуда муҳим аҳамиятга эга. Эмбрионлик ва чақалоқлик даврида тинглаш фаолиятининг юз фоизини ташкил

---

<sup>1</sup>Кайковус. Қобуснома. - Тошкент: Ўқитувчи, 1986, 47-б.

этади, деб оладиган бўлсак, бу миқдор атроф-муҳит ва ижтимоий муаммолар таъсирида аста-секин камайиб боради.

Шунинг учун бўлса керак “Болаликда эшитганинг тошга, қариганда эшитганинг қумга битилади” дейдилар.

Ралрф Николзомнинг фикрига қараганда, кўпроқ ақлий меҳнат билан машғул бўладиган кишилар ўз вақтини мулоқотнинг турли аспектларига қуйидагича тақсимлар экан:<sup>1</sup>

Бу маълумотлардан аён бўладики, тинглаш кўпчилик ўйлаганидек пассив эмас, балки, актив фаолиятдир. Бироқ адресантнинг сўзларини шунчаки эшитиб ўтирган ҳар қандай адресатни тинглашни билади ёки яхши тингловчи деб бўлмайди. Зеро, тинглашни билиш мулоқот актларининг энг қийин аспектларидан биридир. Адресант сўзларини диққат билан тинглаш унга кўрсатилган юксак ҳурмат белгиси бўлиб, унумли тинглашни билиш (УТБ) кучли ҳаяжонланишни пасайтиради, зеро, “нутқ - икки суҳбатдош ўртасидаги ўйин бўлгани ҳолда, чалкашликка қарши қўйилган чора ҳамдир. Ҳар икки томон имкон қадар ҳаракат қилмас экан, улар ўртасидаги шахс-лараро мулоқот амалда беҳуда уриниш бўлиб қолаверади”.<sup>2</sup> Шунинг учун унумли тинглашни билиш суҳбатдошларга кучли ҳаяжонланиш даражасини туширишга ва мавжуд муаммони оқилона муҳокама этишга ёрдам беради.

Тинглашнинг инсон психологиси билан боғлиқ хусусиятларидан бири шундаки, ҳар ким ўзи хоҳлаган нарсани эшитади. Бу ҳақда Бхагва Шри Райнш “Трансцендентлик ҳақида” номли асарида қизиқ бир ҳикоя келтиради. Унда ҳикоя қилинишича, икки киши шаҳарнинг шовқинли, одамлар билан гавжум тратуарида кетаётган экан. Кутилмаганда улардан бири: “Эшитгин-а, чигиртка қандай чиройли сайраяпти!” - дебди. Ҳеч нарса эшитмаётган шериги шундай оломон орасида, бунинг устига, машиналар шовқини остида қандай қилиб чигиртканинг овозини эшитганини ажабланиб сўрабди. Касби зоолог бўлган ҳамроҳи буни қандай қилиб тушунтиришни билмабди ва чўнтагидан битта танга олиб тротуарга ташлабди - йўловчилар дарров бунга эътибор қилишибди. Шунда у: “Кўрдингми, биз ўзимиз истаган нарсанинг овозини эшитамиз” - дебди.<sup>1</sup>

Кўринадикки, тинглаш адресатнинг дунёқараши, савия ва нуқтаи назари билан бевосита боғлиқ психологик жараёндир. Нуқтаи назар ҳақида Абдулла

---

<sup>1</sup> Цитата қуйидаги китобдан олинди: Мадэлин-Беркли Ален. Забқтое искусство слу́ятғ. - Санкт-Петербург: Питер, 1977, с. 12.

<sup>2</sup> Цитата қуйидаги китобдан олинди: Мадэлин-Беркли Ален. Забқтое искусство слу́ятғ. - Санкт-Петербург: Питер, 1977, с. 12.

<sup>1</sup> Абдулла Қаҳҳор. Ўтмишдан эртақлар // Асарлар, беш жилдлик, учинчи жилд. - Тошкент: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988, 273-б.

Қаҳҳорнинг “Ўтмишдан эртақлар” қиссасида образли ибора ишлатилган: “Албатта, Бухоройи шарифнинг ҳар бир ғишти илм, ҳар бир тоши ҳикмат, лекин ҳазинага кирган мушук зарга қарамайди, сичқон овлайди”.<sup>1</sup> Бу гапдан маълум бўлмоқдаки, ҳазинада мушук учун зардан кўра сичқон муҳимроқдир.

А. Қаҳҳор бу ҳақда яна шундай фикр билдиради: “Сиз куйиб-пишиб гапириб турганингизда сигир маъраб қолса, сизга эмас, сигирга қарайдиган одамга гап таъсир қилмайди”.<sup>2</sup>

Бу гапларнинг мавзумизга алоқадор жойи шундаки, мулоқот жараёнида адресант адресатларнинг соҳаси, қизиқиш ва бошқа индивидуал хусусиятларини ҳам ҳисобга олиши лозимлигини таъкидлашдир. Чунки тинглашнинг астойдил, берилиб, жисму жон билан; шунчаки, бепарволик, ҳардамхаёллик, паришонлик билан тинглаш каби турлари мавжуд бўлиб, адресатларнинг улардан қайси бирига амал қилишлиги маълум маънода адресантларга ҳам боғлиқ бўлади. Яъни адресатларнинг жинси, ёши ва бошқа социал белгиларини ҳисобга олиб гапирадиган обрў-эътиборли, мулоҳазали адресантларнинг сўзлари астойдил, берилиб, жисму жон билан тингланса, адресатларнинг юқорида санаб ўтилган жиҳатлари билан ҳисоблашмай сўзлайдиган адресантларнинг нутқи диққат билан тингланмайди. Натижада адресантлар ўз-ўзидан икки тоифага - биринчи тур (эътиборли) ва иккинчи тур (эътиборсиз) адресантларга ажралиб қоладилар.

Тинглаш нуқтаи назар, жинс, ёш, социал белгилардан ташқари, вақт, вазият, ҳолат, кайфият ва бошқа ижтимоий факторлар билан ҳам боғлиқ бўлган мураккаб психологик жараёндир. Яъни, адресатнинг тинглашга бўлган эҳтиёж ва қобиляти санаб ўтилган факторлар билан бевосита боғлиқдир. Жумладан:

1. Тинглашнинг вақт билан алоқадорлиги. Аксарият соғлом адресат эрта тонгда хушхабар, ёқимли овоз эшитишни истайди. Шунинг учун адресантлар томонидан салгина ёқимсиз хабар айтилгудек бўлса ҳам, адресатлар: “эрталабда шу гапни гапирасанми?!” дея эътироз билдирадилар. Айрим адресантлар томонидан бевақт айтилган гаплар бемаҳалда қичқирган хўрознинг овозига ўхшатилиши ҳам шундан келиб чиққан.

2. Тинглашнинг вазият билан алоқадорлиги. Инсон психологияси шундай нарсаси, у кўпчилик олдида мақтов эшитишни ёқтиргани ҳолда, танбеҳ, панд-насихат эшитишни мутлақо истамайди. Кайковуснинг “Қобуснома” асарида бу ҳақда шундай дейилади: “...Сендан талаб қилмаса, кишига насихат қилмағил, панд бермағил, хусусан, сени тингламагон кишига ҳеч сўз дема, чунки бундай кишилар пандни эшитмағайлар. Кўп кишиларнинг орасида бир кишига панд-насихат қилмағил”.<sup>1</sup>

---

<sup>1</sup>Мадэлин Беркли-Ален. Забктое искусство слушатр, с. 16.

<sup>2</sup>Абдулла Қаҳҳор ҳикматлари. - Тошкент: Ўзбекистон, 1990, 45-б.

<sup>1</sup> Кайковус. Қобуснома, 32-33-бетлар.

3. Тинглашнинг адресат ҳолати билан алоқадорлиги. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да “ҳолат” ва “кайфият” сўзлари бир-биридан деярли фарқланмайди. Аммо биз ўз ишимизда тинглашнинг моҳиятини чуқурроқ ёритиш мақсадида шартли равишда инсон физиологияси билан боғлиқ жиҳатни “ҳолат”, руҳият билан боғлиқ жиҳатини эса “кайфият” деб атаймиз. Ўзбеклар нутқида “Бир очга тегма, бир - яланғочга” деган мақол қўлланади. Бу мақолнинг бир маъноси шуки, оч ва яланғоч одамга унча-мунча гап ёқмайди. Унинг бу ҳолатида каломдан кўра таом муҳимроқдир. Ўзбек халқ оғзаки ижоди қаҳрамонлари Афанди ҳақидаги латифалардан бирида мавзумизга оид шундай гапларни ўқиймиз: “Афандининг қорни очиб турган эди, биров ундан сўрабди:

- Афанди, дунёда ниманинг овози яхши? Дуторникими, танбурникими, ғижжакникими?

- Ҳей, биродар! - деб жавоб берибди Афанди, - ҳеч қайси бирининг овози капкирникига тўғри келмайди<sup>1</sup>”.

#### 4. Тинглашнинг адресат кайфияти билан алоқадорлиги.

Маълумки, табиат ва жамиятда рўй берадиган турли воқеа- ҳодисалар инсон кайфияти билан боғлиқ ҳолда унга ҳар хил таъсир кўрсатади. Бу нарса тинглаш жараёнига ҳам бевосита тегишлидир. Яъни, бир хил товушни икки хил кайфиятда турган одам икки хил эшитади. Инсон психологиясининг қизиқ бу табиати шоир Иқбол Мирзонинг “Содиқ чегачи” номли шеърида ҳаётий тасвирланган. Шеър қаҳрамони - аёли хиёнат қилган Содиқ чегачига ўчоқдаги ўт қизил тиллаларини ўйнатиб масҳара қилаётгандай, қумғон унинг устидан шарақлаб кулаётгандай туюлади:

Ўчоқдаги ўчаётган ўт  
қизил тиллаларини ўйнатиб  
масҳара қиларди Содиқни.

Қумғон  
куларди унинг устидан  
шарақлаб....<sup>1</sup>

Адресат кайфиятининг бузилишига адресантнинг ўзи сабаб бўлса, илгари ёқимли эшитилган товуш ҳам ёқимсизга айланиши мумкин. Жумладан, Абдулла Қаҳҳорнинг “Анор” ҳикоясидаги Туробжон бошқоронғи хотинига анор топиб келолмайди, бунинг устига, “жигарларинг эзилиб кетсин!” деб уни қаттиқ хафа қилади. Аммо аччиқ устида айтиб юборган бу гапидан Туробжон ўша заҳотиёқ пушаймон қилиб, хотинини юпатишга ҳаракат қилади. Бироқ “Туробжоннинг бу сўзлари хотинининг қулоғига нотайин бир ғулдираш бўлиб кирар эди. Унинг Туробжон билан уй қилганига уч йил бўлиб келаётир, назарида, бу одам шу уч йилдан бери ғулдираб келган, ҳозиргиси шунинг давомидай эди...”<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Иқбол Мирзо. Сени соғинаман. - Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1994, 28-б.

<sup>2</sup> Абдулла Қаҳҳор. Анор // Асарлар. Беш жилдлик. Биринчи жилд. - Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987, 287-б.

Тинглашнинг адресатларнинг жинси, ёш, социал ва бошқа хусусиятлари билан боғлиқ жиҳатлари хусусида учинчи бобда тўхталамиз.

#### НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Нотқликнинг биринчи шarti ҳақида гапириб беринг.
2. Тинглаш ва унинг мулоқот жараёнидаги ўрни тўғрисида айтиб беринг.
3. Тинглашнинг инсон психологияси билан боғлиқ жиҳатларини айтиб беринг.
4. Тинглашнинг вақт, вазият, адресат ҳолати, кайфияти билан боғлиқ томонларини айтиб беринг.
5. Тинглашнинг вазият билан боғлиқ томонларини айтиб беринг.
6. Тинглашнинг адресат ҳолати билан боғлиқ томонларини айтиб беринг.
7. Тинглашнинг адресат кайфияти боғлиқ томонларини айтиб беринг.
8. Тинглаш маданияти нима?
9. Тинглаш ҳақида қандай илмий адабиётларни биласиз?
10. Тинглаш ҳақидаги маълумотларни билишнинг аҳамияти.

#### ТАЯНЧ СЎЗ ВА ИБОРАЛАР:

1. Нотқлик шarti.
2. Нотқлик санъати.
3. Тинглаш маданияти.
4. Инсон психологияси.
5. Адресант, адресат.
6. Тинглаш вақти.

#### АСОСИЙ АДАБИЁТЛАР:

1. Маделин Беркли-Ален. Забқтоё искусство слушатё. – Санкт-Петербург: ПИТЕР, 1997.
2. Қодирий А. Ўтган кунлар, Мехробдан чаён.-Т; 1992.
3. Кайковус. Қобуснома.-Тошкент: Ўқитувчи, 1986.
4. Абдулла Қаҳор ҳикматлари.-Тошкент: Ўзбекистон, 1990.
5. Иқбол Мирзо. Сени соғинаман.-Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1987.

#### 5-МАВЗУ:

#### НУТҚНИНГ КОММУНИКАТИВ БЕЛГИЛАРИ

##### РЕЖА

1. Нутқнинг тўғрилиги.
2. Нутқнинг аниқлиги
3. Нутқнинг мантиқийлиги
4. Нутқнинг тозалиги.
5. Нутқнинг таъсирчанлиги.

Нутқ, олдинги саҳифаларда таъкидланганидек, сўзловчи ёки ёзувчи томонидан шакллантирилган матннинг ташқи кўриниши бўлиб, у фақатгина лисоний ҳодиса саналмасдан, балки ҳам руҳият, ҳам нафосат ҳодисаси

хисобланади. Шунинг учун ҳам яхши нутқ дейишганда айтилмоқчи бўлган мақсаднинг тингловчи ва китобхонга тўлиқ бориб етиши, уларга маълум таъсир ўтказиши назарда тутилади. Шунга кўра нутқ олдига маълум талаблар қўйилади. Бу талаблар нутқнинг мантиқ жиҳатдан тўғри, аниқ, чиройли, ёрқин, мақсадга мувофиқ бўлишидир. Бу белгилар нутқнинг асосий сифатлари, хусусиятлари деб қаралади.

Таъкидлаш керакки, нутқ маълум шарт-шароитларда амалга оширилади. Бунда жой, вақт, мавзу ва алоқа жараёнининг мақсади каби омиллар ҳам аҳамиятлидир. Шундай қилиб, нутқнинг алоқавий (коммуникатив) сифати деганда қуйидаги ҳолатларни назарда тутиш лозим бўлади: нутқнинг тўғрилиги, тозаллиги, аниқлиги, мантиқийлиги, таъсирчанлиги, образлилиги, тушунарлилиги ва мақсадга мувофиқлиги. Қуйидаги нутқнинг анна шу сифатларига алоҳида-алоҳида тўхталамиз.

**Нутқнинг тўғрилиги.** Нутқнинг тўғри бўлиши- бу унинг бош алоқавий сифати саналади. Нутқнинг тўғри тузилган бўлиши томонларнинг – сўзловчи ва тингловчининг, ёзувчи ва ўқувчининг бир-бирларини тез ва осон тушунишларини таъминлайди. Агар нутқ тўғри бўлмаса, у аниқ ҳам, мақсадга мувофиқ ҳам, мантикий ҳам бўлмайди. «Тўғрилиқ деганда, -деб ёзади В.Г.Костомаров, -нутқ маданиятининг зарур ва биринчи шarti сифатида адабий тилнинг маълум пайтда қабул қилинган нормасига қатъий ва аниқ мувофиқ келишини, унинг талаффуз, имловий луғат ва грамматик нормаларини эгаллашни тушуниш лозим бўлади»<sup>1</sup>. Демак, нутқнинг тўғри бўлиши, энг аввало, унинг адабий тил нормаларига мувофиқ келишидир. И.М.Михайловнинг фикрлари ҳам шу маънодадир: «Норматив грамматика, лексикология ва талаффуз талабаларига мос келадиган нутқни тўғри нутқ деб аташ мумкин. Тўғри нутқда маънога мос равишда қўлланган сўз адабий талаффузни сақлаб қолади ва тузилиши (яъни грамматик ва интонацион) тўғри бўлган гап ҳосил қилади»<sup>2</sup>.

Хуллас, нутқнинг тўғрилиги унинг тил қурилишининг амалда бўлган тил нормасига мувофиқ келишидир.

**Нутқнинг аниқлиги** – бу сўзнинг ўзи ифодаलाётган воқеликка мутлақо мос ва мувофиқ келишидир. Аниқлик нутқнинг муҳим фазилатларидан бири сифатида қадимдан маълум. Ғарб мутафаккирлари ҳам, Шарқ олимлари ҳам аниқликни нутқ сифатларининг биринчи шarti деб ҳисоблаганлар. Аристотель: Агар нутқ ноаниқ бўлса, у мақсадга эришмайди», - деган бўлса, Кайковус: «Эй фарзанд сўзнинг юз ва орқа томонини билгил, уларга риоя қилгил, сўзлаганда маъноли гапир, бу нотикликнинг аломатидир. Агар гапирган вақтингда сўзнинг қандай маънога эга эканлигини билмасанг қушга ўхшайсан...» дейди.

Аниқлик нутқнинг фазилати сифатида ёрқин ифодалаш қобилияти билан, нутқ предметининг маъноси билан, нутқда ишлатилаётган сўз маъноларини билиш билан боғлиқ бўлади.

<sup>1</sup> К о с т о м а р о в В. Г. Культура речи и стиль. – М, 1960, с. 24.

<sup>2</sup> Головин Б.Н. Основы культуры речи. – м.: Высшая школа, 1980, с. 52.

Агар нотик ўзи фикр юритмоқчи бўлган нутқ предметини яхши билса, унга мос сўзлар танласа ва ўзи танлаган сўзларнинг маъноларига мос вазифалар юкласа нутқ аниқ бўлиши тайин. Аниқлик икки хил бўлади: нарсанинг аниқлиги ва тушунча аниқлиги. Нутқда ҳар икала аниқлик ҳам намоён бўлиши лозим.

Демак, нутқнинг аниқлиги – у ифодалаётган воқеликка мутлақо мос ва мувофиқ келишидир.

**Нутқнинг мантиқийлиги** унинг асосий сифатлари тўғрилик ва аниқлик билан чамбарчас боғлангандир. Чунки грамматик жиҳатдан тўғри тузилмаган нутқ ҳам, фикрни ифодалаш учун муваффақиятсиз танланган луғавий бирлик ҳам мантиқнинг бузилишига олиб келиши табиийдир. Мантиқий изчилликнинг бузилиши тингловчи ва ўқувчига ифодаланаётган фикрнинг тўлиқ бориб етмаслигига, баъзан умуман англашилмаслигига олиб келади. Нутқни тузишдаги эътиборсизлик натижасида баъзан, ҳатто, мантиқсизлик юз беради. қуйидаги мисолга эътибор қилинг «Ферма жонқуярлари олти ойлик давлатга сут сотиш режаларини муддатдан олдин бажарадилар (газетадан)». Гапда сўзларнинг тартиби тўғри бўлмаганлиги, «олти ойлик» бирикмасининг «сотиш» сўзидан кейин келмаганлиги туфайли мантиққа путур етпти, ҳатто ҳато фикр ифодаланапти.

Тушунча мантиқийлиги алоҳида олинган матнда фикрий кетма-кетлик, мантиқий изчиллик бўлишини тақозо қилади. Аммо, бу талабни нутқий жараённинг ҳамма кўринишларида ҳам ўртага қўйиб бўлмайди. Масалан: вазифавийлик услубларда, хусусан илмий ва бадиий нутқ услубларида бу талабга қандай амал қилинишини олиб кўрайлик. Илмий услубда ёзилган асарлар яхлит бир тузилишга эга. Унда кириш, асосий қисм ва хулоса мавжуд бўлиб, улар ягона бир халқага бирлашади. Матнда баён қилинаётган фикрлар қатъий изчилликда ифодаланади. Бадиий нутқ тузилиши эса, бир оз бошқача. Айтайлик, фикрлар бир маромда баён этиб келинади-ю, бирданига узилиш юз беради ва энди бошқа воқеалар ҳикоя қилиниб кетилади. Бу нарсга гўё мантиқий изчилликка путур етказгандай кўринса-да, аслида ундай эмас. Бадиий асарларда, хусусан, қисса, роман каби жанрлардаги кенг планлилик тасвир қурилишини ана шундай тузишни тақозо қилади. Мантиқан путур етмаганлиги бундай асарларнинг охирида маълум бўлади.

Хулоса қилганимизда, нутқнинг мантиқийлиги деганда, яхлит бир тизим асосида тузилган, фикрлар ривожини изчил бўлган, ҳар бир сўз ибора аниқ мақсадга мувофиқ равишда ишлатиладиган нутқни тушунамиз.

**Нутқнинг тозаллиги.** Нутқнинг тозаллиги деганда, энг аввало, унинг адабий тилнинг лисоний нормасига мувофиқ келиш-келмаслиги тушунилади. Дарҳақиқат, яхши, идеал нутқ ҳозирги ўзбек адабий тили талабларига мос ҳолда тузилган бўлиши, турли тил, ғайри адабий тил унсурларидан ҳоли бўлиши керак. Бу масаланинг лисоний томони бўлиб, нутқий тозалликнинг нолингвистик жиҳатлари ҳам ундан кам бўлмаган аҳамиятга эга.

Нутқимизнинг тоза бўлишига ҳалақит бераётган лисоний унсурлар, асосан, диалектизмлар ва варваризмлардир. Тўғри, улар тилимизда ишлатилиши

керак, бусиз бўлмайди. Чунки, бадий адабиёт тилида диалектизм ва варваризмлар маълум бадий-эстетик вазифани бажариши, муаллифнинг маълум ғоясини, ниятини амалга оширишга хизмат қилиши мумкин. Айтайлик, муаллиф миллий калоритни бермоқчи ёки асар қахрамонининг қаерлик эканлигига ишора қилишда диалектизм ва варваризмларга мурожаат қилиши зарурдир. Масалан: «Ёшулли, санинг қизинг бунда гатирилмаган. Ова, ёшулли. Сан, манглайи қара баткирдор, на сабабда мундоқ ёмон сўзларни элга таркатдинг» (Мирмуҳсин). Ушбу мисолда диалектизмлар ҳудудий колоритни беришга хизмат қилгани каби қуйидаги мисолда варваризмлар - чет сўзлар характер яратишда ёзувчига кўмаклашган. «Дубора» яна борди бир ишга шул, (сўкиб – нет, - деди, келма дуррак, пошул!) (Мирмуҳсин).

Паразит сўзлар деб аталувчи луғавий бирликлар ҳам тил маданияти учун ётдир. Улар, асосан, сўзлашув нутқида кўп ишлатилиб, нотикнинг ўз нутқини кузатиб бормаслиги, эътиборсизлиги натижасида пайдо бўлади ва бора бора одатга айланиб қолади. Масалан: айрим кишилар ўзлари сезмаган холда *демак, хўш, шу, масалан* каби сўзларни қайтараверишга ўрганиб қолганлар. «Бир докладчининг бир соатли нутқида, - деб ёзади А.Ахмедов – «ўртоқлар» сўзи 101 марта, «яъни» сўзи 73 марта, «демак» сўзи 60 марта такрорланганлигини гувоҳи бўламиз. Қаранг, бир соатлик нутқда 234-та ортиқча, «бекорчи» сўз ишлатилган» (Ахмедов А. Тил бойлиги – Тошкент, 1968, 27-бет)

**Нутқнинг таъсирчанлиги.** Нутқнинг таъсирчанлиги деганда, асосан, оғзаки нутқ жараёни назарда тутилган ва шунинг учун унинг тингловчи томонидан қабул қилинишидаги руҳий вазиятни эътиборга олиш ҳам муҳимдир. Яъни, нотик тингловчиларни ҳисобга олиши кишиларнинг билим даражасидан тортиб, ҳатто ёшигача, ўз нутқининг тингловчилар эшитаётган пайтдаги кайфиятигача кузатиб туриши, ўз нутқининг тингловчилар томонидан қандай қабул қилаётганини назорат қилиши лозим бўлади. Профессional билимга эга бўлган кишилар олдида жўн, содда тилда гапириш мақсадга мувофиқ бўлмагани каби, оддий, етарли даражадаги маълумотга эга бўлмаган тингловчилар олдида ҳам илмий ва расмий тилда гапиришга ҳаракат қилиш керак эмас. Хуллас, нотикдан вазиятга қараб иш тутиш талаб қилинади ва ифодаламақчи бўлган фикрни тўлалигича тингловчиларга етказишга ҳаракат қилиш вазифа қилиб қўйилади. Хўш, таъсирчан нутқ деганда қандай нутқни тушунмоқ керак? Унга Б.Н. Головин шундай таъриф беради: «Таъсирчан нутқ деб, нутқ қурилишининг тингловчи ва ўқувчи эътибори ва қизиқишини қозонадиган хусусиятларига айтилади, ўз навбатида шу хусусиятларга эга бўлган нутқ таъсирчан саналади».

Омма тушуна оладиган тилда гапириш, уларни ишонтира олиш нотиклар олдида қўйиладиган асосий шартлардан ҳисобланади. Бунинг учун эса, юқорида айтилганидек, мавзуни яхши билишдан ташқари, уни баён этишнинг аниқ белгиланган режаси бўлиши керак. Нутқдаги фикрларни биринчи ва иккинчи даражали тарзда тузиб, уларни ўзаро боғлаб, тингловчиларга аввал нутқ режасини таништириб, гапни боғлаш лозим. Вақтни ҳисобга олиш нотиклик



фазилатларидандир. Чунки сўзлаш муддати олдин эълон қилиниб, шунга риоя қилинса, агар иложи бўлса, сал олдинроқ тугатилса, тингловчилар зерикмайди.

Сўзловчининг ўз нутқиға муносабати ҳам муҳимдир, чунки, шундай бўлгандагина қуруқ расмийчиликдан қочиш бўлади. Сўзловчи ва тингловчи ўртасидаги алоқа яхши бўлади. Нотиқ фикрларни ўзи ёки тингловчилар ҳаётидан олинган мисоллар асосида исботлашға ҳаракат қилса, мавзуга доир субъектив фикр мулоҳазаларини билдирса, нутқ яна ҳам ишонарли ва таъсирли бўлади.

## **6-МАВЗУ:**

### **МУЛОҚОТ ЖАРАЁНИНИНГ КОМПОЗИЦИОН БОСҚИЧЛАРИ**

#### **Р Е Ж А:**

1. Пресуппозиция ва унинг мулоқот жараёни билан боғлиқ томони.
2. Турли соҳаларда композицион босқичларға амал қилиш.
3. Мулоқот жараёнининг композицион босқичлари.
4. Мулоқот жараёни композицион босқичларининг мулоқотдаги ўрни.
5. Мурожаат шакллари ва нутқ маданияти.

Олимларнинг эътироф этишларига кўра “...нутқий мулоқотнинг тўғри ва реал амалға ошиши учун коммуникантлар нутқ моментига қадар муайян фактлар билан таниш бўлиши, умумий вазият билан боғлиқ муайян билим - хабардорликка эга бўлишлари лозим. Айни шу фактлар, билимлар тилшуносликда п р е с у п п о з и ц и я номи билан умумлаштирилади”.<sup>1</sup> Жумладан, кимгадир нимадир демоқчи бўлган киши, энг аввало, адресантнинг у айтмоқчи бўлган гап пресуппозицияси билан алоқадорлигини инобатға олади. Яъни, айтиладиган гапға алоқадор воқелик билан олдиндан таниш бўлган адресат учун адресантнинг асосий фикрни бир ёки бир неча сўз орқали баён этиши кифоя қилади. Масалан, номаълум сабабға кўра бирор ердан келиши кечикаётган ўғлини хавотирлик билан кутаётган она учун ундан хабар олгани чиқиб кетган кишининг “келди” деган сўзининг ўзи ўғлининг (бошқа бировнинг эмас) кутилаётган ердан келганлиги ҳақидаги хабарни беради. Аммо адресат пресуппозициядан мутлақо беҳабар, бунинг устига адресантнинг ўзи билан ҳам нотаниш бўлса, у ҳолда мулоқотнинг тўғри ва реал амалға ошиши учун адресантнинг гапни узоқдан бошлашиға тўғри келади. Шунинг учун “...инсон ўз ижодий фаолиятининг барча соҳасида композиция тўғрисидаги муайян принципларға амал қилиши ҳам бежиз эмас. Кишилар бунга кўп вақт онгда ўрнашиб қолган анъаналар асосида, онгли равишда, баъзан эса гўзаллик туйғуси таъсирида беихтиёр амал қиладилар...”<sup>2</sup>. Жумладан, мутахассислардан ва муסיқадан хабардор кишилардан бошқалар у қадар эътибор бермайдиган куйни

---

<sup>1</sup> Адабиёт назарияси, академик М. К. Нурмухамедов таҳрири остида, 1-том, Тошкент: Фан, 1978, 264-б.

бастакор “даромад”, “дунаsr”, “миёнхат”, “авж”, “сипориш” каби пардалар орқали тингловчи қалби ва шуурига етказишга ҳаракат қилади. Ёзувчи ва шоирлар эса ўз асарларида илгари сурмоқчи бўлган ғояни “экспозиция” (лотинча, “баён”, “тушунтириш”), “тугун”, “ривоя”, “кулрминация” (лотинча, “чўкки”), “ечим” каби таркибий қисмлар орқали китобхон онгига сингдиришга уринадилар.

“Бир парча далага ишлов берган оддий деҳқон ҳамма ерга қандайдир форма беришга, унинг бичимини келтиришга интилади, уни бурчакларга бўлиб, қисмларга ажратади ва ҳоказо...”<sup>1</sup>. Шу жиҳатдан қаралганда, мулоқотнинг композицион босқичларини таҳлил этиш нутқни ижтимоий-лисоний аспектда тадқиқ этишимизда катта аҳамият касб этади.

Хўш, ҳамма соҳада бўлгани каби, мулоқот жараёни ҳам композицион тузилишга эга экан, уни қандай босқичларга ажратиш мумкин?

Мулоқотда адресант ва адресатлар фаолияти функционал фарқлангани каби композицион жиҳатдан ҳам фарқланади. Шунинг учун биз адресант ва адресатлар фаолиятини композицион жиҳатдан алоҳида-алоҳида таҳлил этишни маъқул топдик ва улар фаолиятини қуйидаги бос-қичларга ажратдик:

1. Адресант фаолияти босқичлари:

1. Саломлашув ва мурожаат босқичи.
2. Танишув босқичи.
3. Даромад босқичи.
4. Муддао босқичи.
5. Хотима ёки хайрлашув босқичи.

2. Адресат фаолияти босқичлари:

1. Тинглаш босқичи.
2. Муносабат билдириш босқичи.

Қуйида бу босқичларнинг мулоқотда тутган ўрни ҳақидаги фикрларимизни ўзбек мулоқот ҳулқи билан боғлиқ ҳолда ифода этамиз.

1.5.1. Адресант фаолияти босқичлари.

1.5.1.1. Саломлашув ва мурожаат босқичи.

Мулоқотда саломлашув ва мурожаат бир-бирларига жуда яқинлиги ва юзма-юз, масофали коммуникация билан боғлиқ ҳолда ўринларини алмаштириб туришлигини инобатга олган ҳолда уларни ёнма-ён - бир босқич қаторида келтирдик. Юзма-юз мулоқот одатда саломлашувдан бошланса, масофали (коммуникантлар бир-бирларини кўрмай турган пайтда) мулоқот асосан мурожаатдан бошланади. Масалан, бирор юмуш билан таниш ёки нотаниш жойга борган киши, энг аввало, уй эгасининг исмини айтиб чақиради, адресат кўрингандан кейингина унга салом беради.

Бир қарашда оддийгина кўринган саломлашиш мулоқот жараёнида жуда катта психологик функция бажаради. Жумладан:

1. Мулоқотнинг тўғри ва реал амалга ошиши учун замин яратади.
2. Адресатда адресантга нисбатан ижобий фикр уйғотади.

Шунинг учун ҳам бўлса керак, дунё тилларининг деярли барчасида саломлашишнинг мулоқотда тутган ўрни ҳақида кўплаб мақола ва китоблар ёзилган. Жумладан, Н. И. Формановская шу мавзудаги китобларидан бирини: “Сиз “салом” дедингиз!” (“Вқ сказали: “Здравствуйте!”) деб номлаган ва бу китобда саломлашишнинг коммуникация жараёнида тутган бекиёс ўрни ҳақида асосли мисоллар келтирган<sup>1</sup>.

Вазият тақозосига кўра мулоқот баъзан саломлашишдан олдин, баъзан саломлашишдан кейин адресатга қарата қилинган даъват, чақириқ билан бошланади ва бу, “мурожаат” деб аталади. Айрим адабиётларда мурожаат, чақириш, ундаш оттенкаларини қамраб олувчи сўзларни “вокатив формадаги сўзлар” деб берилган<sup>2</sup>.

Мурожаат шакллари муомала маданиятини белгиловчи асосий омиллардан бири бўлиб, бу билан адресант адресатга ўз муносабатини ифода этибгина қолмай, ўзининг маданият даражаси ва умумий савиясини ҳам намойиш этади. Мурожаат мулоқотда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, мулоқотнинг қандай давом этиши кўпинча шу биргина сўз билан боғлиқ бўлиб қолади. Ўзбек МХда мурожаатнинг ўрни бекиёс эканлигидан бу ҳақда оғиздан-оғизга кўчиб юрадиган ривоятлар ҳам тўқилган. Шундай ривоятлардан бирида айтилишича, ўтмишда тобора камбағаллашиб бораётган бир деҳқон йўл четида ўйланиб ўтирса, фақиргина йўловчи ўтиб қолибди. Шунда деҳқон:

- Эй донишманд, нима эксам, мен бойиб кетаман? - деб мурожаат қилибди.

Йўловчи унга пиёз экишни маслаҳат берибди. Нотаниш йўловчининг гапига кирган деҳқон ўша йили чиндан ҳам бойиб кетибди. Шодлигидан босартусарини билмай қолган деҳқонга яна ўша одмигина йўловчи учраганида:

- Эй гадо, нима эксам, мен янада бойиб кетаман? - деб иккинчи маротаба мурожаат қилибди.

Шунда у яна бир экиннинг номини айтиб, йўлида давом этибди. Ке-йинги йили деҳқоннинг омади чопмабди, камбағаллашиб кетибди.

Бундан ғазабланган деҳқон ҳалиги йўловчини сабрсизлик билан кута бошлабди. Ниҳоят, у таниш йўловчини учратибди ва:

- Эй, нодон йўловчи, нега мени алдадинг? Сенинг гапингга кириб, янада бойиш ўрнига буткул камбағаллашиб кетдим-ку! - деб ғазаб қилибди.

- Ўзингни бос, - дебди йўловчи. - Биринчи йили сен менга “донишманд” деб мурожаат қилдинг. Мен сенга донишманднинг жавобини бердим. Натижада сен бойиб кетдинг. Кейинги сафар менга “гадо” деб мурожаат қилдинг ва мен гадонинг жавобини бердим, - деган экан.

---

<sup>1</sup>Қаранг:Формановская Н. И. Вы сказали: “Здравствуйте!” - М: Знание, 1989.

<sup>2</sup>Ўринбоев Б. Ҳозирги ўзбек тилида вокатив категория. -Тошкент,1972,11-б

Кўринадик, ўзбек МХда мурожаатга алоҳида эътибор берилади. Фақат ўзбек тилида эмас, айрим (масалан, украин, болгар ва бошқа славян) тилларида “чақирув келишиги” деб аталадиган мурожаатни шакллантирувчи махсус график восита мавжуд. Бу ўринда шуниси қизиқки, болгар тили қачонлардир мавжуд бўлган ҳамма келишикларни унутиб, фақатгина “чақирув келишиги”ни сақлаб қолган<sup>1</sup>. Зеро, мурожаат шакллари барча халқларда мулоқотни зарур тарзда олиб бориш учун катта аҳамиятга эга бўлиб, мурожаат орқали адресатнинг қайси социал гуруҳга мансублиги, ёши, жинси, ижтимоий функцияси ва бошқа хусусиятлари ифодаланиши мумкин. Бундан ташқари, мурожаатлар коммуникантларнинг яшаш жойи, жинси, ёши, касби ва бошқа ижтимоий белгилари ҳақида ҳам маълумот бериладики, бу ҳақда кейинги бобларда батафсил маълумот берилади.

#### 1.5.1.2. Танишув босқичи

Кишилар бир-бирлари, айниқса, нотаниш кишилар билан мулоқотга киришар экан, суҳбатдошларини атрофлича ўрганиб олишга ҳаракат қиладилар. Бу, аввало, коммуникантлар ўртасида ўзаро умумийлик бор-йўқлигини аниқлаб олиш учун керак бўлади. Бу умумийлик тилдан, ҳаётий тажрибалардан, ниҳоят, ўзида миллат, касб, жинс, оилавий аҳвол, қизиқиш кабиларни бирлаштирувчи ижтимоий ҳолатлардан қидирилади.

Шунинг учун ҳам бирор киши билан суҳбат куришга чоғланган одам, шубҳасиз, суҳбатдошининг шахсияти билан қизиқади. Бу унга бўлажак суҳбат мавзун, услуб ва мезонини белгилаш учун керак бўлади.

Танишувнинг миллат, ёш, жинс, касб, миждоз кабилар билан боғлиқ жиҳатлари борки, биз уларнинг айримлари ҳақида тўхталиб ўтамиз.

Мулоқот тарзининг миллийлик хусусиятига эга эканлигини танишув босқичида кузатиш мумкин. Жумладан, европалик кишиларнинг суҳбат бошидаёқ ўзларини исм-фамилияларини айтиб таништиришлари одат тусини олган бўлса, мусулмон халқлари, жумладан, ўзбеклар суҳбатдошларининг исм-фамилияларини билишга унчалик шошилмайдилар.

Болаликдаги танишиш жуда оддий бўлади. Яъни, болалар бир-бирларининг отларини, нари борса, қаерлик эканликларини билсалар бўлди. Бундай танишиш одатда ўн икки ёшгача давом этади<sup>1</sup>.

Ўсмир йигитлар ўртасида бегона қизлар билан танишиш мақсадида “гап отиш” ҳоллари кузатилади. Бу маданиятсизликнинг бир кўриниши бўлиб, айрим

---

<sup>1</sup> Формановская Н. И. Вы сказали: “Здравствуйте!”- с. 102.

<sup>1</sup> Безруких М. Я и другие я или правила поведения для всех. -М., Издательство политической литературы, 1991, с. 93.

мамлакатларда бунга қарши маъмурий чоралар ҳам белгиланган. Жумладан, Англияда бугунги кунда бегона кишилар билан танишиш мақсадида унга хира пашшадек ёпишиб олиш нафақат маданиятсизлик саналади, балки жиноий жавобгарликка ҳам тортилади<sup>2</sup>.

Катта ёшдаги кишилар ўз-ўзини таништиришни нотабиий деб ҳисоблайдилар, ёшлар эса эркин ва осон тил топишадилар.

Танишув жараёни кишилар миждозига ҳам боғлиқдир. Яъни, экстровортлар (муомалага тез киришиб кетадиган шахслар) билан танишиш анча осон бўлса, интравортлар (оғир табиатли, муомалага қийин киришадиган, “ичимдагини топ” қабилдаги кишилар<sup>3</sup>) билан танишиш анча қийин кечади.

Танишув ёки таништирув пайтида шахснинг ижтимоий мавқеи жой, ўрин, вазият қабилар билан боғлиқ ҳолда ўзгариб туришлиги инобатга олинади. Масалан, ташкилот директори ўз ишхонасида, ўқитувчи мактабда, сотувчи магазинда ва ҳоказо. Уйда уларнинг ҳар бири кимгадир ота, ака, ука ва ҳоказо мавқелар позициясини оладилар.

Коммуникантлар таништирувчи кишиларсиз - бевосита танишганларида ҳар иккаласига таниш бўлган учинчи бир киши “кўринмас таништирувчи”лик вазифасини ўтайди. Фикримизни ойдинлаштириш учун ёзувчи Йўлдош Сулаймоннинг “Вафо” романидан олинган қуйидаги парчани келтирамиз: “Унинг ишга берилиб кетиши, бақувватлиги, кўринишидаги қандайдир ғурур Нажиб Фотиҳнинг эътиборини ўзига тортди.

- Қаерда турасан? - Нажиб Фотиҳ хайрихоҳлик билан сўради... - Қўқонликмисан?

- Ҳа!

- Қўқонда бўлганман. Дадам Миргулишонбой деган билан мулоқотда бўлиб турардилар!

- Ие, сиз Фотиҳ Султон амакининг ўғлимисиз? - Мирҳошим тортинишни ҳам йиғиштириб қўйиб, савдогарнинг ёнига келди.

- Дадамни сен қердан биласан? - деди ҳайрон бўлиб Нажиб Фотиҳ.

- Дадам у кишининг номларини кўпинча тилга олишарди. Маккаи мунавварага кетишда ва қайтишда Фотиҳ Султон амакиникига тушишганини эшитгандим.

- Даданг ким?

- Айтдим деб ўйлабман, - шошилди Мирҳошим, - Миргулишонбой-да!..”

Танишув ва таништирув қоидаларини билмаслик оқибатида коммуникантлар ўртасидаги мулоқот кўнгилдагидек амалга ошмаслиги мумкин. Бу, айниқса, телефон орқали бўладиган мулоқотларда яққол сезилади.

---

<sup>2</sup> Безруких М. Я и другие я или правила поведения для всех, с. 93.

<sup>3</sup> Нутқ маданияти масалалари (илмий тўплам) - Тошкент, 1993, 72-б.

### НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Пресуппозиция ва унинг мулоқот жараёни билан боғлиқлик томони тўғрисида нималарни биласиз?
2. Турли соҳаларда композицион босқичларга амал қилиниши ҳақида гапириб беринг.
3. Мулоқот жараёнининг композицион босқичлари нималардан иборат?
4. Мулоқот жараёни композицион босқичларнинг мулоқотдаги ўрни нима?
5. Саломлашув босқичи ҳақида маълумот беринг.
6. Муружаат босқичи ҳақида маълумот беринг.
7. Танишув босқичи ҳақида маълумот беринг.
8. Муддао босқичи ҳақида маълумот беринг.
9. Хотима ёки хайрлашув босқичи ҳақида маълумот беринг.
10. Мулоқот жараёнининг композицион босқичларини билишнинг аҳамияти ҳақида гапириб беринг.

### ТАЯНЧ СЎЗ ВА ИБОРАЛАР:

1. Мулоқот жараёни.
2. Мулоқот олами.
3. Композицион босқич.
4. Пресуппозиция.

### АСОСИЙ АДАБИЁТЛАР:

1. Махмудов Н. Пресуппозиция ва гап. // Ўзбек тили ва адабиёти, 1985.
2. Адабиёт назарияси, 1-том, Тошкент: Фан, 1978.
3. Формановская Н.И. Вк сказали: «Здравствуйте!» -М.: Знание, 1989.

### 7-М А В З У:

### МУЛОҚОТ ВА МУНОСАБАТ

#### Р Е Ж А:

1. Мулоқотда муносабат ифодаланиши.
2. Муносабат ифодаловчи воситалар.
3. Комуникант «мен»и ва унга муносабат.

Мулоқот инсон руҳиятининг кўзгуси эканлиги унинг муносабат ифодалашида, айниқса, яққол намоён бўлади.

Биринчи бобнинг адресат фаолияти босқичлари (1.4.1) қисмида қис-қача тўхталиб ўтилганидек, ҳар қандай мулоқот остида ошкор ёки яширин муносабат ётади. Зеро, "...Инсон мулоқот жараёнида ўзини қуршаб турган олам ҳақида хабар берибгина қолмай, балки предметнинг тингловчига ёки ўзининг хабар қилинаётган предметга бўлган муносабатларни баҳолашга мойиллик билдиради..."<sup>1</sup> Шу маънода мулоқотни бошқачароқ қилиб "муносабатлар

---

<sup>1</sup> Телия В.Н. О взаимодействие понятийных и языковых факторов при формировании вторичных наименований // Языковая номинация (Виды наименований). -М.: Наука, 1977, с.189.

кўзгуси” дейиш ҳам мумкин. Қуйида муносабат ифодаловчи воситалар ва инсоний муносабатларнинг ўзбек МХда қандай намоён бўлишини фактик мисоллар асосида таҳлил этамиз.

### 2.2.1. Муносабат ифодаловчи воситалар

Коммуникантлар ўзаро мулоқотда бўлар эканлар, ҳатто энг кичик коммуникатив бирлик (масалан, гап вазифасида қўлланилган сўз) ифодасидаёқ бир-бирларига бўлган ички муносабатларини ошкор қилиб қўядилар. Оддий бир мисол: кутилмаганда хонадонига кириб келган меҳмонга мезбон томонидан айтилган биргина “келинг” деган сўз талаффузи остида ўнлаб коннотатив маъно (шодланиш, таажжуб, ҳайрат, оғриниш, норозилик, бепарволик, беписандлик каби)лар яширинган бўлади. “...Ширмон юзли, сатанг жувон менга истар-истамас “келинг” деб қўйди” (А.Муқимов). Шунинг учун ҳам ўзбек халқи кутиб олиш жараёнини ”самимий”, “илиқ” кутиб олиш каби даражаланишларга ажратади.

Мулоқот жараёнида муносабат ифодалашнинг **в е р б а л** (лисоний), **н о в е р б а л** (нолисоний) ва **а р а л а ш** (вербал-новербал) воситалари мавжуд бўлиб, қуйида уларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида қисқача тўхталиб ўтаемиз.

Коммуникантлар бир-бирларига бўлган муносабатларини асосан вербал воситалар орқали ифода этмоқчи бўладилар: “Мен сизни ҳурмат қиламан”, “...яхши кўраман”, “...севаман” каби вербал воситалар орқали адресант адресатга бўлган ижобий муносабатини изҳор этса, “...ёқтирмайман”, “...ёмон кўраман”, “...севмайман” каби жумлаларда адресантнинг салбий муносабати ифодаланади.

Вербал воситалар орқали муносабат ифодалашнинг лексик, морфологик, синтактик ва аралаш усуллари бўлиб, уларнинг ҳар бири алоҳида мавзу бўлганлиги учун бу ҳақда биргина мисол келтириш билан чегараланамиз: “...Остонада қайнонаси Орзихон хола пайдо бўлди.

- Вой, келилар, келилар...

“Хайрият, - деди ичида Муроджон қизаринқираб, - муз кўчган кўринади, и л и қ кутиб олишяптику...” (Т. Жўраев).

Кўринадик, адресат адресантнинг ўзига бўлган и л и қ муносабатини Орзихон хола нутқидаги ҳис-ҳаяжон билдирувчи “вой” ундов сўзи, “келилар” сўзининг такрор қўлланиши (лексик ва синтактик усул) орқали билиб оляпти.

Адресантнинг адресатга бўлган муносабатини унга нисбатан қўллаган тил бирликларидан ҳам билиб олиш мумкин. Мисол учун ўзбек тилининг қипчоқ шеvasида сўзлашувчилар нутқида қўлланадиган *қириммайди*, *қораси жоқ*, *дараги жоқ* синонимик бирикмалари бир-бирининг ўрнини боса олади. Асосий доминанта *қириммади*. У оддий муносабатни билдириш билан бирга, нормал нутқ намунаси ҳисобланади. Масалан, ҳурмат муносабатини сақлаган кишиларга нисбатан *дараги жоқ* хусусан, *қарасқ жоқ* иборларини қўллаб

бўлмайди. Жуда борганда жоқ синонимини қўллаш мумкин. Асабийлашган тақдирда ёки ёшларга нисбатан дарағи жоқ синоними қўлланади<sup>1</sup>.

Бундан маълум бўладики, адресантнинг суҳбат мавзуи қаҳрамонига бўлган муносабатини (мулоқот жараёнида бевосита иштирок этмаётган бўлса ҳам) унга нисбатан қўллаётган тил (нутқ) бирликларидан ҳам билиб олиш мумкин.

Олимларнинг фикрига қараганда, одамлар суҳбат жараёнида ўзлари айтмоқчи бўлган фикрнинг фақат 7 фоизинигина сўз орқали, қолган 38 фоизини оҳанг ва 55 фоизини имо-ишора орқали баён этадилар<sup>2</sup>.

Бошқа бир олимнинг эътироф этишича, инсон нутқ аъзолари ёрдамида гапиради, аммо бутун вужуди билан гаплашади<sup>3</sup>.

Бундан кўринадики, мулоқот жараёнида фикр ва муносабат ифодалашнинг 90 фоиздан ошиқроғини новербал воситалар ташкил этар экан. Шунинг учун ҳам бу мавзу Европа тилшуносларининг аллақочон тадқиқот объектига айланган ва бу ҳақда кўплаб асарлар яратилган<sup>4</sup>. “НOVERбал воситалар ва уларнинг ўзбек тилида ифодаланиши” мавзуида монографик тадқиқот ўтказган С. Саидхонов ўзбекларда ишлатилувчи новербал воситаларни коммуникацион ва соматик хусусиятларига кўра ф о н а ц и о н, к и н е т и к ва а р а л а ш новербал воситаларга ажратади<sup>1</sup>. Бизнинг ишимизда бу новербал воситаларнинг коммуникантлар ўртасидаги субъектив муносабатларни ифодалашлик хусусиятлари ҳақида фикр юритилади.

## 2.2.2. Коммуникант “мен”и ва унга муносабат

Таъкидлаб ўтилганидек, мулоқот камида икки киши ўртасида юз берадиган психологик жараён бўлиб, “ҳаётда барча ҳолларда қўлланадиган усулнинг ўзи йўқ ва бирон нарса барча одамларга бир хилда таъсир қилмайди”<sup>2</sup>.

---

<sup>1</sup> Дониёров Х. Қипчоқ диалектларининг лексикаси.-Тошкент:Фан,1979,51-б.

<sup>2</sup> Формановская Н. И. Речевой этикет и культура общения.-М. 1989, с. 117.

<sup>3</sup> Abercombie D. “Paralanguage” in British Journal of Disorders of Communication, 3, 1968, p.55.

<sup>4</sup> Мисол учун қаранг: Andrey R., The territorial Impereative, Athenwum, New York, 1966; Coffman E. International Ritual, Pantheon, New York, 1982; Morris D., Manwatching, Abrams, New York, 1977; Schelen A. E., Human Territories, Prentice - hall, New Jensey, 1976; Аллэн Пиз. Язққ телодвижений. - Санкт-Петербург, Издательский дом Гутерберга, 1997.

<sup>1</sup> Саидхонов М. Новербал воситалар ва уларнинг ўзбек тилида ифодаланиши // Филол. фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган дис. автореф. - Тошкент, 1993, II-16-бетлар.

<sup>2</sup> Дейл Карнеги. Как завоевать друзей и оказывать влияние на людей. - Ташкент: Шарк, 1992, с.



Бунинг асосий боиси ҳеч бўлмаганда иккита айнан бир хил одамнинг йўқлигидадир. Чунки ҳар бир инсон “мен”лик даъвоси билан дун-ёга келади. Шунинг учун ҳам биз инсонни “бетакрор индивид” деб атаймиз. “Бу дунё инсон туйғусига “мен” қудрати билан озодлик берилган дунёдир”<sup>3</sup>. Худди мана шу бетакрорлик инсонни яшашга даъват этади. Дилдаги “мен” тилда ҳам аён бўлади. Фактларга мурожаат этайлик: жаҳоннинг энг нуфузли ташкилотларидан бири “Нрю-Йорк телефон компани” энг кўп ишлатадиган сўзни аниқлаш учун телефон орқали сўзлашишларини батафсил ўрганиб кўрди. Бу шахс олмоши - “мен” экан. Бу сўз 500 та телефон сўзлашувида 3990 марта қўлланилган<sup>4</sup>.

“Мен” қалбни жунбушга келтиради. Худди мана шу “мен” Муҳаммад Алини бокс бўйича иккинчи бор жаҳон чемпиони шухратига сазовор этганида, у рингнинг ўртасида ғоз туриб шундай мазмунда нутқ сўзлаган: “Шундай қилиб, азизлар, унутманглар, мен ҳаммадан устунман, мен ҳаммадан улуғман, энг кучли ва энг ақлли чемпионман. Шу бугунга қадар эришган ютуқларимга ҳали тарихда ҳеч бир спортчи эришолмаган, эришолмайди ҳам. Гапнинг лўндасини айтадиган бўлсам, Муҳаммад Али - қирол. У аълоларнинг аълоси, кучлиларнинг кучлисидир...”

Кўринадики, “мен” ўзликни англаш шиддатида туғилади. Инсон ўзини англаши туфайли оламини англайди, ўзини таниш туфайли яратганни танийди. Чунки Мансур Ҳаллож, Насимий, Шоҳ Машраблар тили билан айтганда, Оллоҳ ҳазрати Инсонни ўз заррасидан яратган. Исломотафаккурининг энг буюк натижаси ҳисобланган сўфизмда инсон ўз “мен”идан, ғуруридан кечмай туриб, Оллоҳни танимайди, деган қоида бор эди. Худди шу ғурурни синдириш учун мусулмон оламининг таниқли олими Жалолиддин Румий пири Саид Бурхониддин талаби билан шаҳар ҳожатхоналарини тозалаган.

Фатий ёки футувватли бўлишнинг энг муҳим шартларидан бири тавозеъ, яъни бошқаларни ўзидан афзал билмоқ, барчага камтар, хоскор муносабатда бўлишдир.

Бу фикрларни келтиришдан мақсадимиз шуки, мусулмонлар, жумладан, ўзбеклар табиатидаги камтарлик, камсуқумлик замиридаги “мен” Европа халқлари табиатидаги “мен”дан жиддий фарқланишини алоҳида таъкидлашдир. Таниқли олим И. Ҳаққулов “Яссавий ҳикматлари” китобига ёзган сўз бошида бу ҳақда шундай фикрларни билдиради: “...илон пўст ташламаса, ўларкан. Мистик тафаккур ҳам ўзликдан кечишни ўлишмас, янгича тириклик, идеал ҳаёт

<sup>3</sup> Эшонқулов Ғ. Ўзлик олами // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1994, 7 январ.

<sup>4</sup> Дейл Карнеги. Как завоевать друзей и оказывать влияние на людей.- с.74.

юксакликларига кўтарилиш, деб баҳолайди. ....”Оллоҳ” демакдан асосий мурод - гуноҳ ва ёмонликларга рағбатлантирувчи “шайтон”дан қутулиш. Манманлик, калтабинлик, кибр, “ҳойю ҳавас” ҳисларини туб илдизлари билан суғуриб ташлаш. Мансур Ҳаллож инсоннинг илоҳийлигини шарафлаб: “Анал Ҳақ” - “Мен Худоман” дегани учун мусулмон ҳукмронлари томонидан шаккокликда айбланиб, қатл этилгани маълум. Яссавийнинг фикрича, нодон ва жоҳилларгина “Анал Ҳақ”нинг маъносини билмайдилар:

“Анал Ҳақ”нинг маъносини билмас нодон,

Доно керак, бу йўлларда поки мардон...

Чунки “Шоҳ Мансурни ”Анал Ҳақ”и бежо эмас”, “йўлни топқон, биз-га ўхшаш гумроҳ эмас”, дейди шоир...”<sup>1</sup>.

Олимнинг фикридан маълум бўладики, мусулмонлар, жумладан, ўзбеклар табиатидаги камтар ва хоскорлик (тупроқ бўлишлик)ни зоҳирий “мен”ни ўлдириш ва ботиний “мен”ни кучайтириш деб тушуниш керак. Чунки бу ботиний “мен”да битта буюк мафкура бор. У - ишқ. Шу ишқ унинг қалбида бутун дунё ва коинот сирларини марказлаштиришга қодир. Демак, у камолот ишқи, у инсонни зоҳирий “мен” қила олмайдиган, ақл бовар қилмас даражадаги ишларни қила олади.

Дилда бори тилга чиққани каби, ботиний “мен” зоҳир ҳам бўлиб туради. Буни мусулмончилик қоидаларини пухта билган буюк алломалар ҳам тан оладилар ва ўз асарларида зоҳирий “мен”дан ҳам бутунлай воз кечиб юбормаслик лозимлигини тарғиб қиладилар. Жумладан, машҳур “Қобуснома” асари муаллифи Кайковуснинг бу ҳақдаги фикри шундай: “...Барча дониш ва хунарнинг сармояси адаб, тавозеъ, ҳаё, пок диллик, парҳезкорлик, беозорлик, сабр ва матонатликдур. Лекин кўп вақтлар бўлурки, шарм (зоҳирий “мен”сизлик - С.М,) кишига зиён еткарур. Шундай шармли бўлмағилки, бу ишингга халал еткармасин, нединким, кўп вақтлар бўлурки, бешармлик била мақсад ҳосил бўлур. Агар қила олсанг фахш, ёлғон ва ножувонмардликдин шарм қилғил, салоҳиятлик сўз ва манфаатлик ишдин шармни қўйғил. Кўп кишилар бўлурки, шарм қилиб ўзларининг барча мақсудларидан айрилулар. Сен ул миқдорда шарм қилғилки, бу имон субути ҳосилига сабаб бўлсин. Ўзингга зарар ва зиён еткарур даражада шарм қилмағил...”<sup>1</sup>.

Энг муҳими шундаки, XI асрда яшаб ўтган буюк алломанинг бу қарашларига ҳамоҳанг фикрлар ҳозирги ўзбек халқ мақолларида ҳам кўплаб топилади:

Энкайганга энкайгин

Бошинг ерга теккунча,

Кеккайганга кеккайгин

---

<sup>1</sup> Ҳаққулов И. Яссавий ҳикматлари. - Тошкент, 1991, 11-12-б.

<sup>1</sup> Кайковус. Қобуснома. - Тошкент: Ўқитувчи, 1986, 37-б.

Бошинг кўкка етгунча<sup>2</sup>.

Ўзбеклар бу мақолни “Ўзини катта олиб, сени “оёқ учи”да кўрсатадиган, назар-писанд қилмайдиган, менсимайдиган одамнинг олдида сен ўзингни ночор билиб, паст тутиб, қисиниб-қимтиниб, андиша юзасидан индамай ўтирма, аксинча, ўзингни ундан ҳам баландроқ тут, бўш келма, сени менсимай, киноя қилиб, мазах-масхара қилиб айтадиган гапига яраша гап қил: сени иззат-хурмат қиладиган, хушмуомала, одамохун, камтарин кишини эса ундан ҳам ўтказиб иззат-хурмат қил, ширин сўзингни аяма, ўзингни ундан ҳам камтарин тут”, деган маънода қўллайдилар<sup>3</sup>.

Аслида, бу XX асрга келиб бирданига пайдо бўлиб қолмай, балки қадим-қадимдан инсоният қонида оқиб келаётган ғоядир. Фикримизни эрамиздан аввалги асрда яратилган қадимги ҳинд эпоси “Маҳабҳорат”даги: “Инсон ўзи учун хоҳламаган, ўзи учун ёқимсиз бўлган нарсаларни бошқаларга ҳам қилмасин” ёки инжилдаги: “Сизга қандай муносабатда бўлишларини хоҳласангиз

, бошқаларга ҳам шундай муносабатда бўлинг”, шунингдек, “Иззат қилсанг, хурмат кўрасан” қабилидаги ўзбек мақоллари ҳам тўла тасдиқлайди.

Айтилганлардан маълум бўладики, инсон мулоқот пайтида ҳамиша ихтиёрий ёки ихтиёрсиз ҳолда қаршисида турган коммуникатив “мен”ни ҳисобга олади.

### 2.2.3. Мулоқотда адресант - адресат - коммуникатив объектлар ўртасидаги муносабатларнинг ифодаланиши

Ишимизнинг мулоқот узвлари, турлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари (1,2) қисмида айтиб ўтилганидек, мулоқотда асосан икки муҳим узв - адресант (сўзловчи) ва адресат (тингловчи)лар бевосита (зоҳиран) иштирок этадилар. Аммо мулоқот жараёнига бавосита (ботинан) таъсир этиб турувчи учинчи компонент ҳам борки, унингсиз тил ўзининг алоқа воситачилик вазифасини бажармайди. Бу учинчи компонентни шартли равишда таъсир бирлиги (ТБ) деб атадик. Шу нуқтаи назардан мулоқотни, аввало, қуйидаги икки турга ажратиш мумкин:

1. Адресант - адресат ўртасидаги бевосита мулоқот.
2. Адресант - адресат ўртасидаги бавосита мулоқот.

Мулоқотнинг бу икки тури ўзига хос психологик хусусиятга эга эканлиги, муносабат ифодалашда ҳам фарқли жиҳатлар мавжудлиги билан ажралиб туради. Қуйида мана шу фарқли жиҳатларни таҳлил этишга ҳаракат қиламиз.

#### 2.2.3.1. Адресант - адресат ўртасидаги бевосита мулоқот ва унда муносабат ифодалашнинг ўзига хос хусусиятлари

<sup>2</sup> Ўзбек халқ мақоллари, II том. Тошкент: Фан, 1988, 171-б.

<sup>3</sup> Шомаксудов Ш., Шораҳмедов Ш. Нега шундай деймиз. - Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988, 140-б.

Бу турдаги мулоқотда адресант ва адресатларнинг бир-бирларига бўлган муносабатлари тўғридан-тўғри (ТБнинг аралашувисиз) ифодаланади ва бундай мулоқот объектив (холисоналик) хусусиятига эга эканлиги билан характерланади.

Ишимизнинг “Муносабат билдириш босқичи” (1.4.2.2) қисмида таъкидлаб ўтилганидек, коммуникантлар бир-бирларига бўлган муносабатларини аввало лисоний (вербал) воситалар орқали ифодамоқчи бўладилар. Бироқ адресант - адресат ўртасидаги бевосита мулоқотда асосий информация нолисоний воситалар орқали ифодаланади. Шу соҳа мутахассисларидан бири Алрберт Мейерабианнинг фикрига кўра, европаликлар мулоқот жараёнида информациянинг фақат 7 фоизинигина лисоний воситалар орқали, қолган фоизини эса бошқа нолисоний воситалар орқали ифода этадилар<sup>1</sup>. Профессор Бердвиссл тадқиқотлари ҳам Мейерабианнинг фикрини тасдиқлайди. Яъни унинг тадқиқот натижалари ҳам нутқий мулоқот жараёнида информациянинг 35 фоизи лисоний, 65 фоизи нолисоний воситалар орқали ифодаланишлигини кўрсатган<sup>2</sup>.

Зеро, “одам”нинг сўзидан фақат унинг қандай кўриниш ниятида эканлигини билиш мумкин, аслида унинг қандайлиги сўзларни ифодалашдаги имо-ишораларидан, юз бужмайтиришларидан, бинобарин, унинг оғриниб қилган ҳаракатларидан билиб олиш мумкин (Ф. Шиллер)”<sup>3</sup>. Чунки инсон нутқ аъзолари орқали гапиради, бутун вужуди ёрдамида суҳбатлашади<sup>4</sup>. Жумладан, оддий бир новербал восита - “кулгида кулинаётган объектга муносабат билдирилиб, баҳо берилибгина қолмай, шу билан бирга, у орқали кулаётган кишининг маданият даражаси, характер ва диди ҳам намоён бўлади”<sup>1</sup>.

Кўринадики, адресант томонидан айтилаётган фикрни, унинг ўзига бўлган муносабатини адресат тўлалигича қабул қилиб олиши учун “фикрни тўлдириб келувчи унга ёндош бўлган имо-ишора тилини муттасил равишда ўрганиш катта амалий-илмий аҳамиятга моликдир”<sup>2</sup>.

Шунинг учун ҳам 60-йиллардан тилшуносликда паралингвистик йўналишдаги асарлар юзага келди ва юқоридаги ходисалар мулоқотнинг муҳим воситалари сифатида астойдил ўрганила бошланди. Ўзбек тилшуносларидан М.Саидхоновнинг “Новербал воситалар ва уларнинг ўзбек тилида ифодаланиши” мавзуидаги номзодлик диссертациясида новербал

---

<sup>2</sup>Цитата ушбу китобдан олинди: Аллан Пиз. Язққ телодвижений, с. 12.

<sup>3</sup> Цитата ушбу китобдан олинди: Воронцов В.Л.Тафаккур гулшани, 453-б.

<sup>4</sup>Abercromie D. “Paralanguage” in British journal of Disorders of Communacation,3, 1968,p. 55.

воситаларнинг муносабат ифодалашлик хусусиятлари ҳақида ҳам маълумот берилган.

Умуман, ҳар қандай мулоқотда бўлгани каби, адресант - адресат ўртасидаги бевосита мулоқотда ҳам адресант ҳар сонияда адресат муносабатини билиб туришга қизиқади. Шунинг учун ҳам адресантлар мулоқот чоғида адресатларнинг ҳар бир ҳаракатидан муносабат қидирадилар. Агарда адресатлар бу борада пасивлик қиладиган бўлсалар (яъни адресантга, унинг гапига муносабатларини яширсалар ёки ҳардамхаёллик қилсалар), адресантлар уларга “тўғрими?”, “қалай?”, “нима дедингиз?” каби қўшимча саволлар бериш йўли билан уларнинг муносабатларини билиб олишга ҳаракат қиладилар. Айниқса, адресантлар ҳасрат қилишга мойил бўлиб турган пайтда адресатларнинг сезилар-сезилмас муносабатлари ҳам уларга кифоя қилади: “Қорнимга эмас, қадримга йиғлайман, болам!..” дейди Мухсина хоним Оллоёрга юзланиб (ундан муносабат қидириб - С. М.) у фарзандларининг ичида Оллоёрга ишонади, биргина Оллоёр унинг гапини икки қилмайди, онаси ҳақми, ноҳақми, эътироз билдирмайди, жилмайиб, бош эгиб тураверади. - Ўзинг айт, болам, менинг Барчиним ёмон эдими? Зулхуморим ёмон эдими?..

- Нурхон-чи? Дездемона-чи?

Оллоёр индамади.

- Сана, болам, санаб адоғига етармикансан?..

Оллоёр секин бошини ирғаб маъқуллаган бўлади: рост, ойижон, улар жуда кўп эди, лекин сиз унда ёшроқ эдингиз. Ўйлашга ўйлайди-ю, ташига чиқармайди.

- Тўғри айтасан, болам, - дея давом этади Мухсина хоним, гўё ўғлидан тасдиқ эшитгандай...”<sup>1</sup>

Кўринадикки, гарчи Оллоёр индамаса ҳам, Мухсина хоним унинг сийратидаги гапларни сурати (юз, кўз ҳаракатлари)дан уқиб олмақда.

Коммуникантлар нотаниш бўлган пайтда ўзаро позиция (бир-бирларига бўлган муносабат)ларини аниқлаб олмагунларига қадар мулоқотдан кўзланган мақсад амалга ошмай тураверади. Мисол учун, японияликлар бу нарсага қаттиқ амал қилишлигини айтиб ўтиш мумкин. Яъни, икки япон илк бор учрашган пайтда, энг аввало, суҳбатдошларининг қайси ижтимоий гуруҳга мансублигини, ўз гуруҳида қандай ўрин тутишлигини аниқлаб олишга ҳаракат қиладилар<sup>2</sup>. Шунинг учун бундай пайтда икки нотаниш коммуникант учинчи компонент - ТБ аралашувига эҳтиёж сезади<sup>3</sup>. Бунинг учун адресант адресатга ўзини таништиради. Таништириш вазият тақозосига кўра расмий ва норасмий бўлиши

---

<sup>1</sup> Мурод Мухаммад Дўст. Лолазор. - Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988, 27-б.

<sup>2</sup> Сухарев В. А. Этика и психология делового человека, с. 166.

<sup>3</sup> Бу ҳақда ишимизнинг 1.5.1.2 қисмида маълумот берилган.

мумкин. Ҳар икки ҳолатда ҳам адресант берган маълумотлар (касби, лавозими, вазифаси, кимга қарашли эканлиги ва ҳ.к.)га қараб адресат ўзининг адресантга бўлган муносабати (позицияси)ни белгилаб олади. Худди шу пайтдан адресант-адресат ўртасидаги б а в о с и т а м у л о қ о т бошланади.

#### НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Мулоқот ва муносабат деганда нимани тушунасиш?
2. Муносабат ифодаловчи воситалар ҳақида гапириб беринг.
3. Коммуникант «мен»и ва унга муносабат тўғрисида нималар биласиз?
4. Таъсир бирликлари ва муносабат нима?
5. Ташқи таъсир бирликлари деганда нимани тушунасиш?
6. Ички таъсир бирликлари деганда нимани тушунасиш?
7. Ташқи таъсир бирликлари воситасида ифодаланадиган муносабатга қандай мисол келтира оласиз?
8. Ички таъсир бирликлари воситасида ифодаланадиган муносабатга қандай мисол келтира оласиз?
9. Мавзуга доир қандай қўшимча адабиётларни биласиз?
10. Мулоқотда муносабат ифодаланишини нутқ маданияти билан бевосита боғлиқ томонларини тушунтириб беринг.

#### ТАЯНЧ СЎЗ ВА ИБОРАЛАР:

1. Мулоқот хулқи.
2. Муносабат ифодаловчи воситалар.
3. Коммуникация ва муносабат.
4. Ифодаловчи.

#### АСОСИЙ АДАБИЁТЛАР:

1. Дониёров Х. Қипчоқ диалектларнинг лексикаси.-Тошкент: фан, 1979.
2. Формановская Н.И. Речевой этикет и культура общения. –М., 1989.
3. Саидхонов М. Нозербал фоситалар ва уларнинг ўзбек тилида ифодаланиши. – Тошкент, 1973.
4. Кайковус. Қобуснома. – Тошкент, Ўқитувчи, 1986.
5. Мурод Мухаммад Дўст. Лолазор. – Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санат нашриёти, 1988.

#### 8-МАВЗУ:

#### НУТҚ ТИПЛАРИ ВА ТУРЛАРИ. ДАРОМАД НУТҚИ.

##### Р Е Ж А :

1. Нутқ турлари ва типлари ҳақида тушунча.
2. «Даромад» сўзнинг луғовий маноси ва атама сифатида қабул қилишнинг сабаблари.
3. Даромад нутқининг мулоқот жараёнидаги ўрни.

“Даромад” форс-тожикча сўз бўлиб, фойда маъносидан ташқари муқаддима, кириш тушунчаларини ҳам билдиради ва бирор мақсадни англатиш учун шу мақсад атрофида узоқдан бошланган гапни ифодалайди. Масалан: “Шунақа қилиб, Нарзини ҳам юбормоқчимисиз?” - деди кампир, дарров гапнинг даромадини пайкаб”. (Х. Назир, Маёқ сари)<sup>1</sup>.

Ўзбеклар нутқида “Бердисини айтгунча шошмай тур”, “Томдан тараша тушгандай гапирма” каби нақллар қўлланади. Бу шундан далолат берадики, эсини таниган аксарият ўзбек коммуниканти адресатга бирор жиддийроқ фикрни айтишдан олдин уни суҳбат мавзусига руҳий жиҳатдан тайёрлаб олишга ҳаракат қилади. Бу мусулмон халқларига жумладан, ўзбекларга пайғамбаримиз Мухаммад (с.а.в.)дан қолган одат бўлиб, Шарқ алломаларидан бири Аҳмад Лутфийнинг пайғамбаримиз ҳақидаги китобларидан бирида бу ҳақда қуйидаги фикрларни ўқиймиз: “Чанқаган тупроқ сувга қандай муҳтож бўлса, тингловчилар ҳам суҳбатга шундай бир эҳтиёжлари борлигини сезмагунча бирон бир маъруза қилишни тўғри деб билмасдилар, аммо таблиғ этилиши лозим ҳақиқат бўлса, аввал тингловчиларнинг етарлича диққат назарларини ўзларига жалб қилиб, кейин асл масалани тушунтирардилар. Ҳар хил ишлов бериш учун темирни аввал қиздириб олиш лозим бўлганидек”<sup>2</sup>.

Муҳими шундаки, бу одат дунё халқларининг кўпчилиги учун хос бўлиб, Япония, Англия, Испания каби ривожланган давлатларда ҳатто давлат аҳамиятига эга бўлган, ҳатто расмий муаммолар ҳам об-ҳаво, спорт, саломатлик, шаҳар янгиликлари мавзусидаги ўзаро гаплар билан бошлаш одат тусини олган. Италияликлар эса расмий масалаларни ҳам норасмий жойларда, масалан, унчалик катта бўлмаган ресторанларда эркин ҳал қилишни яхши кўришади.

Ўзбеклар МХда гапнинг даромад босқичи хилма-хил ижтимоий-лисоний функцияларни бажаради. Биз қуйида атоқли ўзбек адиби Ойбекнинг “Қутлуг қон” романидан олинган парчани мисол тариқасида келтириб, сўнг бу ҳақдаги мулоҳазаларимизни баён этамиз: “Вақт намозгарга яқин. Кўча қатқалоқ... Йўлчи ҳеч нимага назар солмай, одимларини катта ташлаб бораркан, Шокир ота учради, у бошига тушган қайғу ва фалокатлардан жуда мункиллаб қолган эди. Йўлчини кўриши билан:

- Ҳа,ғувори,ҳали бир қишлоқнинг сени қидириб юрганди, йўлиқдимми?- деди.

---

<sup>1</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати, икки томли, 1-том,-М.: Рус тили, 1981, 211-б.

<sup>2</sup> Аҳмад Лутфий. Ҳижрат юртидаги тонг. Учинчи китоб // Шарқ юлдузи, 1997, 3-с. 101-б.

Йўлчи ўз қишлоғидан келган одам билан кўришиб, ҳол-аҳвол сўраша олмаганига афсусланди. Чунки кузнинг бошида онасига йигирма сўм юбориб, шундан буён ҳеч қандай хабар олмаган, ўзи ҳам йўқлолмаган эди.

Ташқари ҳовлида таҳорат қилаётган бойдан ҳамқишлоғи тўғрисида сўради. Бой бет-қўлини артиб, “бу ёкка юр!” деб имлади. Унинг орқасидан Йўлчи меҳмонхонага кирди. Мирзакаримбой танчага ўтириб, қўлини пешанасига тираб бир минут сукут қилди, сўнг сўзини нимадан бошлашни билмай, соқолининг учини тишлаб деди:

- Сенга бир хат бор, - бой патнис тагидан хатни чиқарди, - лекин хушхабар келтирган эмас. Сен, албатта, оғир, ақлли йигитсан, оллонинг ризосига - Қандай хабар экан, айтаверинг, - Йўлчининг қошлари, кўзлари савол ва шубҳани ифода қилди.  
бўйсунарсан...

- Эй дунёйи бевафо!.. Онангдан айрилибсан, жиян!

Йўлчи бутун гавдаси билан сесканиб, ёлғиз “а!” деган кескин товуш чиқарди... Сўзлашга тили қотди, юзи бўздай оқарди. Унинг бакуват, метин гавдаси, кўксига тўлган қайғуни кўтаришга ожиз каби эгилди, букилди.

Мирзакаримбой Йўлчига далда бериш учун, оллонинг ризосига бўйсуниш кераклигини, ўлим ҳар кимнинг бошида омонсиз қиличини тутиб турганлигини, не-не пайғамбарлар, не-не азиз авлиёларни ўлим олиб кетганлиги ҳақида гапирди...”<sup>1</sup>

Хўш, юқорида келтирилган кўчирма қайси жиҳатлари билан ижтимоий-лисоний аҳамиятга эга?

Аввало, бу парча бадий адабиётдан олинган бўлса-да, лекин ҳаёт ҳақиқатини ҳаётдагидан ҳам ишонарлироқ тарзда тасвирлаган. Бундай асар муайян миллатнинг маиший ва ижтимоий турмушининг ёрқин кўзгуси ҳисобланади. Шу боис машҳур туркшунос, тарихчи ва файласуф Лев Гумилёв ўзининг назарий фикр-мулоҳазаларини асослаш учун фақат тарихий фактларга, қадимий манбаларга эмас, балки Лев Толстой, Чингиз Айтматов, шунингдек, Ф. М. Достоевский, И. С. Тургенев каби буюк адибларнинг асарларидан олинган мисолларга ҳам тез-тез мурожаат этиб турарди<sup>2</sup>.

Демак, том маънода “типик воқеаларни типик шароитда тасвирлаган” (Ф. Энгелс ибораси) бадий асар лингвистика фани учун ҳам тадқиқот объекти бўлиши мумкин. Хусусан, ўзбек миллатига хос бўлган МХ, коммуникатив вазият, коммуникатив стратегия ва нутқнинг даромад босқичи “Қутлуғ қон” романида келтирилган парчада ҳаққоний тасвирланган. Бунда ёзувчи, дастлаб, китобхонни коммуникатив вазиятга ҳозирлайди: “Вақт намозгарга яқин. Кўча қатқалоқ...” каби тасвирлар кўз ўнгида намоён бўлган китобхон, албатта,

---

<sup>1</sup> Ойбек. Қутлуғ қон. - Тошкент: Ўқитувчи, 1975, 188-б.

<sup>2</sup> Бу ҳақда қаранг: Гумилев Л. Этногенез и биосфера земли. - М.: Советский писателр, 1989.



қувончли ҳодиса рўй бермаслигини олдиндан ҳис этади. Сўнгра муаллиф коммуникантни (Йўлчини) “бошига тушган қайғу ва фалокатлардан жуда мункиллаб қолган” Шокир отага рўпара қилади. Яъни коммуникатив вазиятнинг даромад босқичи табиий-динамик равишда ривожланиб боради ва адресат коммуникатив андаза воситасида прагматик контекстни тушуниши учун муносиб вазият яратилади (Йўлчи қишлоқдаги онасини эслайди, ҳамқишлоғи билан учраша олмагани учун афсусланади ва ҳоказо). Нолисоний воситалар билан ифодаланган даромад эса (“Бой бет-қўлини артиб, “бу ёққа юр!” деб имлади”), адресат (Йўлчи)ни хийла ҳовуридан туширади ва прагматик контекстга муносиб равишда коммуникатив стратегия танлаш имконияти пайдо бўлади: Мирзакаримбой, аслида, салбий қаҳрамон бўлса-да, лекин ўзбек бўлгани учун МХнинг миллий тартиб-қоидалари доирасида ҳаракат қилади. Совуқ хабарни қандай айтишни олдиндан режалаштириб қўйган бой, патнис остидан хат чиқариб беради. Ваҳолонки, бой Йўлчининг саводсиз эканини, хатни ўқий олмаслигини жуда яхши биларди. Лекин бари бир хатни эгасининг қўлига топширади ва Йўлчининг хаёлини ана шу даромад хатти-ҳаракати (предмет) воситаси билан бир оз чалғитади - уни коммуникатив вазиятга ҳозирлайди. Бундан ташқари, у хизматкорига далда беради, ўзи ҳам унга қўшилиб руҳан азобланади, ҳамдардлик билдиради. Биз бу мисолда нутқнинг ижтимоий-лисоний аспектлари ўзбек МХининг ўзига хос миллий хусусиятларини яққол ифодалаганини кўрамиз. Турли ижтимоий табақага мансуб бўлган бу миллат вакиллари ўзбекларга хос бўлган МХ нормаларига амал қиладилар. Нутқнинг вербал ёки новербал даромад босқичи эса МХ нормаларини белгилаб берадиган муҳим восита ҳисобланади.

Коммуникация жараёнида даромад босқичини қўллаш, қўлламаслик ёки уни қай даражада, қандай усулда қўллашлик коммуникантнинг индивидуал хусусиятлари, жинси, ёши, касб-кори ва бошқа социал белгилари билан боғлиқ. Булар кейинги бобларда таҳлил этилади.

#### НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Нутқ типлари ва турлари ҳақида нималар биласиз?
2. «Даромад» сўзининг луғавий маъносини тушунтириб беринг?
3. Даромад сўзининг атама сифатидаги маъносини тушунтиринг.
4. Даромад нутқининг мулоқот жараёнидаги ўрни нима?
5. Даромад нутқининг инсон ёши билан боғлиқ томонлари нимадан иборат?
6. Даромад нутқининг миллий психология билан боғлиқ томонларини тушунтириб беринг.
7. Даромад нутқининг инсон жинси билан боғлиқ томонларини тушунтиринг.
8. Даромад нутқининг инсон касб-кори билан боғлиқ томонлари борми?
9. Даромад нутқи ҳақида қандай адабиётларни биласиз?
10. Даромад нутқининг мулоқот жараёнидаги аҳамияти ҳақида нималар дея оласиз?

## ТАЯНЧ СЎЗ ВА ИБОРАЛАР:

1. Даромад босқичи.
2. Мурожат босқичи.
3. Нутқ типлари.
4. Нутқ турлари.
5. Даромад нутқи.

## АСОСИЙ АДАБИЁТЛАР:

1. Йўлдош Сулаймон. Вафо. – Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санат нашриёти, 1979.
2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 2 томли, 1 том, -М.: Рус тили, 1981.
3. Сухарев В.А. Этика и психология делового человека.- Санкт-Петербург, 1999.
4. Ойбек. Қутлуғ қон. \_Тошкент: -Ўқитувчи, 1975.

## 9-МАВЗУ:

### МУЛОҚОТ ХУЛҚИНИНГ ХУДУД ЖИҲАТДАН ХОСЛАНИШИ

#### Р Е Ж А :

1. Шева, диалект ҳақида умумий тушунча.
2. Социоллингвистиканинг ўрганиш объекти.
3. Диалектология ва социоллингвистиканинг ўзаро қиёси.
4. Мулоқот жараёнида нутқнинг ҳудудий хосланишини инобатга олишининг зарурлиги.

Аввалги дарсларимизда МХ муаммосини миллий характер, миллат аҳолисининг ўзига хос урф-одатлари, қадриятлари ва анъаналарини билмас-дан туриб ўрганиш мумкин эмаслиги, чунки МХ миллат характерининг ажралмас қисми бўлиб, улар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ эканлиги тўғрисида батафсил тўхталиб ўтган эдик. Ижтимоий-лисоний тадқиқот натижалари шуни кўрсатмоқдаки, нафақат турли миллат кишиларининг, балки турли ҳудудларда яшовчи бир миллатга мансуб кишиларнинг МХ ҳам ўзаро фарқланиб турадики, ишимизнинг бу бўлими ҳудди мана шу муаммо тадқиқига қаратилган.

Турли ҳудудларда яшовчи кишилар МХ, энг аввало, уларнинг жонли сўзлашув тили - шевасида намоён бўлиши боис асосий масалага киришишдан олдин шева (диалект) ва у билан шуғулланувчи соҳа - социоллингвистикаларнинг асосий вазифалари, ўзаро фарқлари тўғрисида қисқача тўхталиб ўтишга тўғри келади.

Тилшуносларнинг таъкидлашига қараганда, ўзбек диалектологиясида диалектнинг махсус концепцияси ишлаб чиқилмаган. Шева, диалект, лаҳжа атамалари рус диалектологиясидаги говор, диалект, наречие атамалари таъсирида яратилган<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Джураев А. Б. Теоретические основы ареального исследования узбекоязычного массива. - Ташкент: Фан, 1991, с. 51.

“Шева, - дея таъриф беради академик Ш. Шоабдурахмонов, - бирор тилнинг ўзига хос фонетик, лексик ва грамматик хусусиятларига эга бўлган энг кичик қисми: л а ҳ ж а - шу хусусиятларни ўзида бирлаштирувчи шевалар йиғиндиси. Д и а л е к т термини диалектологик адабиётларда кўпинча лаҳжа маъносида, баъзан шева маъносида ҳам қўлланади. Кейинги вақтларда ўзбек диалектологиясида диалект термини шева маъносида ҳам, лаҳжа (шевалар йиғиндиси) маъносида ҳам учрайди”.

“Ўзбек диалектологияси” дарслигида диалектологиянинг асосий вазифалари сифатида қуйидагилар таъкидланади:

“1) айрим шева ва диалектларнинг фонетик, морфологик, синтактик ва лексик хусусиятларини ҳар томонлама тавсиф қилиш;

2) миллий тилнинг пайдо бўлиши ва тараққиётида шеваларнинг тутган ўрни ва шу тилга асос бўлган шеваларни аниқлаш;

3) шеваларнинг ўзаро муносабатлари, шунингдек, уларнинг адабий тил ва қардош тилларга бўлган муносабатларини белгилаш;

4) ўхшаш хусусиятларига кўра шеваларнинг тарқалиш чегарасини аниқлаш;

5) умумий ўхшаш лисоний хусусиятларини тузиш ва шеваларни классификация (тасниф) қилиш.

Е. Д. Поливанов социал лингвистиканинг навбатдаги вазифалари сифатида қуйидагиларни кўрсатади:

“1. Тилни социал - тарихий факт сифатида аниқлаш...

2. Тиллар ва диалектларни социологик нуқтаи назардан тасвирлаш...

3. Тилни мулоқот қуроли сифатида таҳлил этиш.

4. Социал-иқтисодий ва тил ҳодисалари ўртасидаги сабабли боғланишларни ўрганиш.

5. Тил ва унинг (айрим) жиҳатларини яшаш учун кураш воситаси сифатида таҳлил этиш.

6. Тилнинг маданият тарихи билан боғлиқ умумий типологик схемаси эволюциясини чизиш.

7. Социологик лингвистиканинг амалий масалаларини ёритиб бериш”<sup>1</sup>.

Асосий вазифалар қиёсидан маълум бўладики, “социолингвист кўп жиҳатдан ўзини диалектологларнинг меросхўри деб ҳисоблаши мумкин”<sup>2</sup>. Диалектни ўрганиш жамиятнинг бошқа аъзоларидан ўз тиллари жиҳатидан ажралиб турувчи ижтимоий гуруҳлар нутқий одатларини ўрганишга қаратилганлиги учун кўпчилик социолингвистлар ўз соҳаларини диалектология билан чамбарчас боғлиқ ҳолда тасаввур этадилар. Бироқ ўзининг асосий қизиқиши нуқтаи назаридан диалектология замонавий социолингвистикадан

---

<sup>1</sup> Решетов В. В., Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек диалектологияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1978. 6-б.

<sup>2</sup> Решетов., Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек диалектологияси, 6-б.

кескин фарқланади. У масалага асосан диахроник аспектда ёндашиб, “мазкур диалект тарихан бошқа диалектлар билан қандай алоқадорликка эга?”, “бу диалектда адабий тилнинг нисбатан қандай эски шакллари сақланиб қолган?” каби саволларга жавоб топиш билан қизиқиб келди. Бунда диққат-эътиборни “гапирувчиларнинг вербал одатларида эмас, балки балки бевосита шакллар ва уларга мос келувчи кўринишларни ўзида жамлаш”<sup>3</sup> анъанаси кўзга ташланади. Шунинг учун ҳам профессор П. М. Мелиоранский ҳар бир тилнинг диалект ва шевалари бизгача етиб келмаган сўз ва формаларни ўзида сақлашлиги билан жуда нодир манба бўлиб хизмат қилишлигини таъкидлаган. Профессор А. Ғуломов ўзбек шеваларини тўла ўрганмай туриб, тарихий грамматикани яратиб бўлмаслигини қайд этади.

Социолингвистика эса бунга қарама-қарши равишда, тил образларини маълум бир вақт доирасида олиб ва гапирувчилар томонидан амалга ошириладиган муносабатларни ифодалашга уриниб, экстралингвистик мезонлар билан синхрон ёндашувдан фойдаланишга ҳаракат қилади; тадқиқотчининг хатти-ҳаракатлари тил динамизмининг ўзгарувчан система эканлигини бўрттираверишдан кўра, кўпроқ тил ҳолатини тасвирлашга қаратилади<sup>3</sup>. Албатта, диалектология бутунлай тарихийликка мойил эмас.

Диалектология ва социолингвистика яна бир ўринда - таҳлил объектининг дастлабки бирлигини танлашда бир-биридан фарқ қилади. Диалектология тил ва диалектларни яхлит тизилмалар сифатида талқин қилади. Бу тизилмалар ўртасида аслида аниқ кўзга ташланадиган ажратувчи чизиклар бўлиши керак: изоглослар, яъни “лингвистик харитада тил хусусиятлари бир хил бўлган аҳоли пунктларини бирлаштирувчи чизиклар”<sup>4</sup> мазкур талқинга аниқ қарам бўлади.

Социолингвистика эса, диққат-эътиборни ижтимоий гуруҳлар ва улар томонидан фойдаланиладиган тилнинг ўзгарувчан бирликларига қаратишга, бу ўзгарувчан бирликларни ижтимоий фанларнинг: ёш, жинс, маълум бир ижтимоий-иқтисодий синфга тегишлилик, ҳудудий катта гуруҳ, мақом ва шу каби анъанавий демографик бирликлар билан боғлашга уринади. Шунингдек, кейинги пайтларда тил формалари ва ижтимоий функциялар ўртасидаги муносабатларни микро (тор) даражада, яъни гуруҳ ичидаги интеракцияда, тил ва ижтимоий каттароқ масштабдаги функцияларни каттароқ макро даражада, яъни гуруҳлар ўртасидаги интеракцияда белгилашга уринишлар ҳам бўлмоқда<sup>1</sup>.

Масалага худди шу нуқтаи назардан ёндашадиган бўлсак, ўзбек диалектологлари ўз меросхўрлари - эндигина иш бошлаётган социолингвистлар

---

<sup>3</sup> Gumperz J.J. “The Social Group as a Primary Unit of Analysis in Dialect study” in Shuy, R. W., 1964, pp. 1 27-29.

<sup>3</sup> Роджер Т. Белл. Социолингвистика, с.42.

<sup>4</sup> Wakelin M. F. English Dialects: an Introduction, London: Athlone Press, 1972, p. 7.

<sup>1</sup> Роджер Т. Белл. Социолингвистика, с. 43.

учун улкан мерос қолдирган ва қолдираётганликларини алоҳида қайд этиб ўтишга тўғри келади. Чунки ўзбек диалектологларининг улкан хизматлари бундан ўттиз йил илгариёқ олимлар томонидан тан олинган ва қайд этилган эди<sup>2</sup>.

Тилшунос А. Жўраев ўзбек шеваларини ареал нуқтаи назардан ўн бир зонага ажратади ва бу зоналар бўйича тадқиқот ўтказган қирққа яқин диалектологнинг ишларини алоҳида ҳурмат билан тилга олади. Шу билан бир қаторда диалектология соҳасида йўл қўйиб келинган камчилик ва нуқсонлар, жумладан, фактлар йиғишга ортиқча берилиб кетиш оқибатида юз берган назариясизлик узоқ давом этганлигини ачиниш билан қайд этади<sup>3</sup>.

Умуман, ўзбек диалектологлари узоқ вақт “қанча кўп диалектологик факт йиғсак, шунча яхши” шиори остида иш кўриб келдилар. Уларнинг қонуний меросхўрлари бўлган социолингвистларнинг асосий вазифаси эса йиғилган бой материалларга ва синхрон кузатишларга таянган ҳолда ҳар бири ўзига хос олам бўлган инсонлар МХни, демакки, инсоннинг ўзлигини чуқур ва атрофлича тадқиқ этишдан иборатдир.

Кўринадикки, диалектология, социолингвистика ва нутқ маданияти масалалари бир-бирлари билан бевосита боғлиқ бўлган соҳалардир. Шунинг учун нутқ маданиятини пухта эгаллаш учун албатта, диалектология ва социолингвистикалардан ҳам яхши хабардор бўлиши лозим.

#### НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Шева, диалект ҳақида умумий тушунча нималардан иборат?
2. Социолингвистиканинг ўрганиш объекти деганда нималарни тушунасиш?
3. Диалектология ва социолингвистиканинг ўзаро қиёси ҳақида гапириб беринг.
4. Мулоқот жараёнида нутқнинг ҳудудий хосланишини инобатга олишнинг зарурлиги нималардан иборат?
5. Мулоқот ҳулқининг ҳудуд жиҳатдан хосланишига таъсир этадиган ташқи омиллар нималардан иборат?
6. Мулоқот ҳулқининг ҳудуд жиҳатдан хосланишини билиш нима учун зарур?
7. Мулоқот ҳулқининг ҳудуд жиҳатдан хосланиши қайси ўзбек адиблари асарларида кўпроқ тасвирланган?
8. Мулоқот ҳулқининг ҳудуд жиҳатдан хосланиши илмий жиҳатдан қандай тадқиқ этилган?
9. Мулоқот ҳулқи бир миллат вакиллари ўртасида ҳудуд жиҳатдан хосланиши ҳақида нима дея оласиз?
10. Мавзу доирасида ўзбек тилшунослигида қандай ишлар амалга оширилган?

---

<sup>2</sup> Қаранг: Шоабдурахмонов Ш., Ўзбек шеваларининг ўрганилиши ва навбатдаги вазифалар // Ўзбек тили ва адабиёти, 1969, 5-с., 35-39-б.

<sup>3</sup> Джураев А. Б. Теоретические основы ареального исследования узбекоязычного массива, с. 65-70; 48-49.

## ТАЯНЧ СЎЗ ВА ИБОРАЛАР:

1. Худуд ва нутқ.
2. Коммуникатив ҳулқ.
3. Диалектология ва социолингвистика.
4. Худудий ҳосланиш.
5. Социолингвистика.

## АСОСИЙ АДАБИЁТЛАР:

1. Джураев А.Б. Теоретическая основы ариалного исследование узбеко язқчного массива. \_Ташкент: фан, 1991.
2. Решетов В.В. Шаобдурахмонов Ш. Ўзбек диолоктологияси. –Тошкент: ўқитувчи, 1978.
3. Поливанов Е.Д. Статқ по обшему язқкузнаную. –М. .: Наука, 1968.

## 10-МАВЗУ:

### ФАТИК КОММУНИКАЦИЯ

#### Р Е Ж А :

1. Фатик коммуникация ҳақида умумий маълумот.
2. Фатик коммуникациянинг худудий ҳосланиши.
3. Фатик коммуникациянинг жинс жихатдан ҳосланиши.
4. Фатик коммуникациянинг вербал ва невербал ифодаланиши.

Мулоқотдан кўзланган асосий мақсад коммуникантлар ўртасида ўзаро фикр алмашиш бўлса-да, тилшунослар ўз ишларида унинг бундан бошқа яна бир қатор функциялари мавжудлигини алоҳида таъкидлайдилар. Бу ҳақда кейинги бобда батафсил тўхталишлигимиз учун ишимизнинг бу қисмида мулоқотнинг фақат бир функцияси - мулозамат (манзират) ифодалашлик хусусияти ҳақида фикр юритамиз.

Мулоқотнинг бу функцияси тилшуносликда **ф а т и к к о м м у - н и к а ц и я** (фатическая коммуникация) термини остида тадқиқ этилади.

“Фатик коммуникация” термини илк бор инглиз этнологи Б. Малиновский томонидан қўлланилган. У бу терминни коммуникация жараёнида баъзан рўй берадиган ноқулай жимлик, нутқий узилиш (пауза)ни тўлдириш учун суҳбатдошлар ўртасида ҳурмат, мулойимлик юзасидан ишлатиладиган ноинформатив муомала усули маъносида қўллайди<sup>1</sup>. Шундан буён бу термин Европа тилшунослигида мулоқот жараёнида илтифот, иззат-икром, тақаллуф кўрсатиб, суҳбатдошлар кўнглини олиш учун қўлланадиган муомала усули маъносини англатувчи атама сифатида ишлатилади. Аслида лотинча бўлиб, “гапириш” маъносини билдирадиган бу термин ўрнида баъзан “социатив” сўзи ҳам ишлатилади<sup>2</sup>.

Психологик нуқтаи назардан фатик коммуникация шартлилик хусусиятига \_\_\_\_\_

<sup>1</sup>Malinowski B. The Problem of Meaning in Primitive languages. Supplement I to: Ogden C. K., Richards J. A. The meaning of Meaning. London, 1923.

<sup>2</sup>Қаранг: Формановская Н. И. Вқ сказали: “Здраствуйте!”; с.14.

эга эканлиги билан ажралиб туради ва шу жихатдан у ярим фаолият (квазидеятелрностр) ҳисобланади<sup>1</sup>. Чунки у ўзига хос сўз ўйини бўлиб, баъзи бир нутқий узилишларнинг олдини олиш ва шу йўсин нутқ-нинг давомийлигини, суҳбатнинг жонли, чиройли чиқишини таъминлаш - суҳбатдошлар кўнглини олиш мақсадида қўлланилади. Шу сабабдан ҳам унда мазмундан кўра шакл устунлик қилади.

Суҳбатдошлар соғлигини сўраш, ўзининг, оила аъзоларининг ишлари, тинчлиги билан қизиқиш, спорт, об-ҳаво кабилар фатик коммуникациянинг асосий мавзулари ҳисобланади. Бу мавзуларнинг қайси бирига мурожаат этишлик, ва, умуман, фатик коммуникацияга қай даражада амал қилишликнинг миллат, ҳудуд, жинс, ёш ва бошқа социал жихатлар билан боғлиқ то-монлари бўлиб, куйида уларнинг ҳар бири тўғрисида қисқача тўхталиб ўтамиз.

Фатик коммуникация Осиё, айниқса, Шарқ халқларининг деярли ҳаммаси учун хос бўлгани ҳолда, кўпчилик европаликлар, жумладан, инглиз ва немис халқи учун характерли эмас. Жумладан, икки таниш немис миллатига мансуб киши кўчада учрашиб қолса, шляпаларини кўтариб қўйиб куруқ саломлашиш билан қаноатланишади ва тез хайрлашишади. Устамонлик, хушмуомалалик немис халқи учун унчалик хос эмас. Улар қаттиқ, шовқин солиб гапиришга одатланишган<sup>2</sup>.

Мулозамат юзасидан уйга таклиф қилиш баъзи бир халқларда ҳаддан ташқари кучли бўлса, айрим миллат кишилари учун мутлақо хос эмас<sup>3</sup>.

Фатик коммуникацияга хос бўлган “ишлар қалай?” тарзидаги савол билан мурожаат қилиш дунё халқларининг деярли ҳаммасида учрайди. Бу хилдаги саволларга бериладиган жавоблар ҳам бир-бирига ўхшаб кетади. Жумладан,

---

<sup>1</sup>Национально-культурная специфика речевого об­у­е­ния народов СССР. - М.: Наука, 1982, с. 56.

<sup>2</sup>Су­ха­ре­в В. А. Этика и психология делового человека. - М.: Гранд, 1997, с. 140.

<sup>3</sup>Қаранг: Олдридж Дж. Каир. - М., 1970.

адигейлар: “Нима қияпсан?”, “Ишлар қалай?” дея берилган саволга: “Айтарли ҳеч нарса, шундай яшаяпман”, - деб камтарона жавоб беришади<sup>1</sup>. Бундай жавобни рус халқи нутқида ҳам кузатиш мумкин. Улар бу каби саволларга бир сўз билан: “ничего” (“тузук”, “дуруст”) деб қўйишади. Доимо мана шундай жавоб олинаверганидан бўлса керак, улар баъзан яқин кишиларига: “как твоё (ая) ничего?” (сенинг “тузук”ларинг қалай?) тарзидаги савол билан ҳам мурожаат этадилар.

Ўзбекларнинг бундай саволларга берадиган жавоблари коммуникантларнинг социал ва индивидуал хусусиятлари билан боғлиқ ҳолда ранг-баранг ва хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Яъни, ўсмирлар: “яхши”, “ништяк”, “зўр”, ёшлар: “жойида”, “аъло”, “михдей”, ўрта ёшлилар: “дуруст”,

“ёмон эмас”, “секин”, “секин-секин”, кекса ёшдагилар: “худога шукр”, “алҳамди лилло худога шукр”, “тупрокдан ташқарида юрибмиз” тарзидаги жавобларни берадилар.

Асли арабча бўлган мулозамат, манзират сўзлари ўзбеклар нутқида кишининг кўнглини олиш учун кўрсатиладиган илтифот, эъзоз-икром, тақаллуф маъносида қўлланади. Фақат “мулозамат”да ижобий, “манзират”да эса салбий маъно оттенкаси борлиги билан фарқланиб туради. Кишиларга мулозамат, манзират қилиш усул ва даражалари жиҳатидан Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида яшовчи кишилар коммуникатив хулқи бирмунча фарқланади. Бу фарқлар интерэтник коммуникацияда ишлатилувчи турли тил ва шевалар билан ҳам боғлиқ<sup>2</sup>. Эл орасида айтиб юриладиган “Қўкон манзират”, “Самарқанд манзират” каби жумлалар ҳам бекорга чиқмаган. Ўзбекистоннинг Бухоро, Сурхондарё, айниқса, Хоразм вилоятларида ҳатто меҳмонга ҳам ортиқча мулозамат кўрсатиш унчалик урф эмас. Бу нарса дастурхонга келтирилган нонни ушатиб қўймаслик (синдирмаслик), ноз-неъматлардан олиш, еб ўтириш учун ортиқча қистамаслик одатларидан ҳам \_\_\_\_\_

<sup>1</sup>Бгажноков Б. Х. Фатическая коммуникация // Национально-культурная специфика речевого общения народов СССР, с.56.

<sup>2</sup>Ўзбекистонда интерэтник коммуникацияда ишлатилувчи тил ва шевалар ҳақида қаранг: Baskakov A. N., Dzuraev A. B. Languages of interethnic communication in Uzbekistan/ Atlas of Languages of Intercultural Communication in the Pacific, Asia, and the Americas. Мюльен de Gruyter. 1996. Vol. II. 2. p. 919-923. билиниб туради. Уларда мулозамат кўрсатишнинг бошқача усуллари қўлланилади. Аммо водий, айниқса, Марғилон шаҳрида фатик коммуникациянинг ҳеч қайси халқда учрамайдиган ноёб турларининг гувоҳи бўлиш мумкин. “Эшикка (уйга) опкетей”, “Эшикка ўтамиз”, “Меҳмон бўп кетинг” каби жумлаларни бу ерда ҳар он, ҳар қадамда эшитиш мумкин. Бирон юмуш билан эшик қоқиб келган киши албатта уйга тақлиф қилинади. Меҳмон кириб келган пайтдан бошлаб ҳовлида ва уйда ҳеч ким қўлига супурги ушламайди, баланд овоз билан гапирилмайди, шўхлик қилган, меҳмоннинг олдида эркалаган болаларга ҳам каттиқ танбех берилмайди. Меҳмоннинг қўлига илиқ сув берилиб, оппоқ сочиқ тутилади ва меҳмонни хонанинг энг тўрисиغا ўтказилади. Меҳмоннинг олдида мезбон ҳеч қачон тўрга ўтирмайди. Дастурхон устида “олинг”, “олишиб ўтирсинлар”, “нимага ҳеч нарса емаяпсиз”, “бемалол ўтирсинлар” каби илтифотли жумлалар кўп ишлатилади. Меҳмоннинг вақти тигизроқ бўлса, тезда ош (палов) дамланади. Палов катта товоққа сузилиб, ўртага қўйилади. Умумий товоқда ош ейилаётган пайтда гўшт ёки иликни меҳмоннинг олдида суриб қўйиш орқали ҳам манзират қилиш одати бор. Фақат марғилонликларгагина хос бўлмаган бу одат Муқимийнинг “Ош есалар ўртада сарсон илик” сатрида ўзининг бадийий ва ҳаётий ифодасини топган.

Фатик коммуникация, айниқса, аёллар коммуникатив хулқида ўзига хос усулда намоён бўлади. Яъни, аксарият ўзбек аёллари эркаларга қараганда мулозамат қилишга уста бўладилар: “(Ҳотамова) меҳмонларни хотинларга хос



мулозамат ва ширинсўзлик билан кабинетига таклиф қилди.” (А. Қаҳҳор). Аёлларнинг мулозамат мавзулари ҳам эркакларникидан фарқланади.

Кўпчилик аёллар суҳбатдошларидан ҳол-аҳвол сўраётган пайтларида ўзларини уларга яқин кўрсатиш учун: “Эсон-омон юрибсизми? Болаларим, ўғил-қизларим... яхши юришибдимиз?” каби жумлаларни қўллашади. Булардан маълум бўладики, ўзбек аёллари “Кўнгилни қўлинг билан овламасанг, тилинг билан овла” мақолига амал қилишга интиладилар.

Ўзбеклар нутқида фатик коммуникация суҳбат жараёнининг деярли ҳамма босқичида қўлланилади. Саломлашув ва мурожаат босқичидаги ўзига хосликлар ҳақида юқорида қисман бўлса-да, маълумот бериб ўтдик. Бу ўринда яна шуни қўшимча сифатида айтиш мумкинки, ҳол-аҳвол сўраш коммуникантлар руҳий ҳолати, ижтимоий мавқеи ва бошқа жиҳатлари билан боғлиқ бўлади. Жумладан, ҳали уйланмаган бўйдоқ йигитлар тенгдошлари билан кўришаётган пайтда табиий равишда бола-чақалардан сўз очмайди, яъни “бола-чақалар яхшими?” демайди. Тўғри, баъзан улар катталарга тақлид қилиб ҳазиллашиб шундай дейишлари мумкин. Аммо бундай жумлалар орқали ҳол-аҳвол сўраш улар нутқи учун типик эмас. Кузатишларимиздан маълум бўлишича, ўзининг соғлиги яхши бўлмай турган киши суҳбатдошларининг соғлигини, тинчлиги бузилган кишилар коммуникантларнинг тинчлигини ва ҳ.к.ларини сўрайдилар.

Фатик коммуникациянинг қайси мавзуларига мурожаат қилиш коммуникантларнинг таниш ёки нотанишлигига ҳам боғлиқ бўлади. Жумладан, туғилган кун, тўйларда ёки шунга ўхшаш тадбирларда тасодифан учрашиб қолган икки нотаниш ўзбек коммуниканти яхшироқ танишиб олгунларига қадар об-ҳаво, спорт, сиёсат каби даврнинг муҳим мавзулари ҳақида сўз очадилар.

Фатик коммуникация мулоқотнинг даромад босқичи (бу ҳақда ишимизнинг 1.4.1.3-қисмида махсус тўхталамиз)га анча ўхшаб кетади. Бирок улар қуйидаги жиҳатлари билан бир-биридан фарқланади:

1. Даромад босқичи коммуникация (адресант фаолияти) нинг бир бос-қичи бўлса, фатик коммуникация нутқий одат (усул) дир. Шундай экан, даромад босқичида нутқий одатнинг бир кўриниши бўлган фатик коммуникация қўлланилиши мумкин.

2. Фатик коммуникация мулоқот жараёнининг ҳамма босқичларида қўлланилиши мумкин бўлган ҳолда, даромад босқичи фақат муддао босқи-чига ўтиш учун замин тайёрлайди. Шу жиҳатдан қараганда, фатик коммуникация кенгроқ, даромад босқичи торроқ тушунчадир.

Ўзбеклар мулоқот хулиқида фатик коммуникация хотима ёки хайрлашув босқичида ҳам ўзига хос усулда намоён бўлади. Масалан, етарлича иззат-икром кўрсатилгач, энди кетиш учун ижозат сўраган меҳмонга уй эгаси дарров розилик бермайди: “Келиш меҳмондан, кетиш мезбондан” дейдилар, ўтирибсизда, келиб юрибсизми?..” каби илтифот шакллари орқали меҳмонга охиригача мулозамат кўрсатишга ҳаракат қилади.

Бирор яқинлари билан тасодифий кўришиб, гаплашиб қолган марғилонлик йигитлар хайрлашиш олдидан: “Бизга хизмат йўқми?” деб қўйишади. Бу “сизнинг ҳар қанақа хизматингизга тайёрман”, “сиздан ҳеч қандай хизматимни аямайман” маъноларини англатади. Бу ҳам манзиратнинг бир кўриниши бўлиб, хайрлашиш жараёнида айтиладиган нутқий одатлардан бирига айланиб қолган.

Фатик коммуникация фақат вербал (лисоний) усулларда эмас, балки новербал (нолисоний) усулларда ҳам ўзига хос тарзда намоён бўлади: “Ҳурмат кўрсатарди табассум билан” (Абдулла Орипов). Биргина мана шу сатрдан ҳам кўриниб турибдики, табиий ва самимий табассум орқали ҳам кишилар бир-бирларига илтифот, ҳурмат кўрсатишлари мумкин. Шунингдек, икки киши ўзаро суҳбатлашиб турган пайтда баъзан орага ноқулай жимлик чўкиб қолади. Бундай ҳолат кўпинча адресант бирор нарсани очик айтишга ийманаётган ёки нутқ аъзоларидаги бирор камчилик туфайли фикрини равон баён этолмай тўхталиб (дудукланиб) қолаётган, умуман, бирон бир сабабга кўра коммуникантлар суҳбати унчалик қовушиб кетмаётган пайтларда рўй беради. Бундай пайтларда адресантларни ноқулай ҳолатдан қутқариш учун адресатлар оҳиста йўталиб ёки томоқ қириб қўйишлари ҳам мумкин:

“- Далага борган эдим ... Битта ўртоғим бор.... Пахтада эди.. - дедим мен ийманиб.

У очик гапира олмаётганимни сезди чоғи, томоқ қириб қўйди” (Т.Жўраев).

Буларнинг ҳаммаси ўзбеклар мулоқот хулқида инсон кўнглини асрашга алоҳида эътибор берилишини кўрсатади. Фатик коммуникацияни бу хилда тадқиқ этиш мулоқот хулқи муаммосининг муҳим бир қиррасини қайд этиш имконини беради.

#### НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Фатик коммуникация ҳақида нимани биласиз?
2. Фатик коммуникациянинг миллийлиги ҳақида нималар дея оласиз?
3. Фатик комуникациянинг ҳудудий хосланиши ҳақида нималарни биласиз?
4. Фатик коммуникациянинг жинс жихатдан хосланиши нималардан иборат?
5. Фатик коммуникациянинг вербал ва новербал ифодалари ҳақида гапириб беринг.
6. Фатик комуникациянинг инсон ёши билан боғлиқ томонлари борми?
7. Фатик комуникациянинг лисоний воситаларда ифодаланиши ҳақида маълумот беринг.
8. Фатик комуникация ҳақида қандай илмий адабиётларни биласиз?
9. Фатик комуникациянинг мулоқот жараёнидаги аҳамияти ҳақида нималар дея оласиз?
10. Ўзбеклар мулоқот ҳақида фатик комуникациянинг ҳудудий хосланиши ҳақида нималар биласиз?

### ТАНЧ СЎЗ ВА ИБОРАЛАР:

1. Фатик коммуникация.
2. Худудий хосланиш.
3. Вербал ифода.
4. Новербал ифодалар.
5. Жинс жиҳатдан хосланиши.

### АСОСИЙ АДАБИЁТЛАР:

1. Мамажонов А. Нутқ маданияти ва сталистик норма Ўзбек нутқ маданиятининг долзарб муаммолари. –Тошкент, 1990.
2. Мўминов С. Нутқ ва ижод услубининг худудий хосланиши.-Тошкент, 1998.
3. Ўринбоев Б. Сўзлашиш нутқи.-Тошкент: фан, 1979.
4. Қўнғуров Р., Бегматов Э., Тожиев Ё. Нутқ маданияти ва услубияти асослари. –Тошкент, Ўқитувчи, 1992.

### НУТҚНИНГ ЖИНС ЖИҲАТДАН ХОСЛАНИШИ

#### РЕЖА:

1. Нутқнинг жинс жиҳатдан хосланиши ҳақида тушунча.
2. Нутқнинг жинс жиҳатдан хосланишининг асосий сабаблари.
3. Ижтимоий муҳит ва нутқнинг жинс жиҳатдан хосланиши.
4. Меҳнат тақсимооти ванутқнинг жинс жиҳатдан хосланиши.

Эркак ва аёл биологик ва физиологик томондагина эмас, балки мулоқот хулқи (муомала тарзи,усули) жиҳатидан ҳам фарқланади,албатта. Бироқ бу долзарб мавзу айрим кузатишларни ҳисобга олмаганда узоқ вақт тадқиқотчилар назаридан четда қолиб келди.

Аёллар ва эркаклар нутқи орасидаги фарқли хусусиятлар масаласи бўйича Европа, Яқин Шарқ мамлакатлари тиллари мисолида, шунингдек, япон, рус, грузин тиллари материалида қатор тадқиқотлар мавжуд. Туркийшуносликда бу борада Н. И. Гродеков (қозоқ ва қирғизлар мисолида), Е. Д. Поливанов (Самарқанд эрониларининг ўзбекча нутқи мисолида), А. Н. Самойлович (қозоқлар ва олтойлар мисолида) ларнинг кузатишлари, шунингдек, қатор туркийшунос-диалектологларнинг асарларида мазкур масала билан боғлиқ кўплаб қайдлар бор.

В. М. Алпатов 1988 йили чоп этилган “Япония. Язққ и обўество” номли китобида япон аёлларининг МХ ҳақида анча батафсил маълумот беради ва японияда ҳатто махсус аёллар тили (нутқи) мавжудлигини, аёллар нутқи эркаклар нутқидан мулойимлиги, назокатлилиги, шунингдек, айрим махсус тил бирликлари билан фарқланиб туришлигини таъкидлайди.

Ўзбек аёллари нутқининг айрим ўзига хос хусусиятлари ҳақида тилшуносларнинг китоб ва мақолаларида қисқача тўхталиб ўтилган<sup>1</sup>. Умуман, МХ жинс жиҳатдан ҳам қатор ўзига хосликларга эга. Қуйида ўзбек МХ-нинг

---

<sup>1</sup> Қаранг: Дониёров Х. Қипчоқ диалектларининг лексикаси. - Тошкент: Фан, 1979, 111-112-б; Искандарова Ш. Аёллар нутқида ундов сўзларининг қўлланиши // Республика ёш филолог олимларнинг анъанавий илмий конференцияси материаллари. Тошкент, 1991, 61-63-б.

жинс жиҳатдан хосланишининг асосий сабаблари, айрим ижтимоий лисоний хусусиятлари ҳақида ўтказган тадқиқотларимиз натижаларини баён қиламиз.

#### 4.2. Ўзбек мулоқот хулқининг жинс жиҳатдан хосланишининг асосий сабаблари

Ишимизнинг 3.1.2 - қисмида МХ табиий ва ижтимоий муҳит таъсирида шаклланиши таъкидлаб ўтилган эди. Бу фикрни диалектологларнинг кўп йиллик кузатиш ва тажрибалари ҳам тўлиқ тасдиқлайди. Жумладан, таниқли диалектолог олим Х.Дониёров бу ҳақда шундай фикр билдиради: “Қипчоқ диалекти (лахжаси)да сўзлашувчи аҳолининг асосий қисми кўпроқ қишлоқларда, ўтлоқ ва тоғли ерларда жойлашган бўлиб, уларнинг катта бир қисми ҳозирги даврда ҳам чорвачилик ва ғаллачилик билан шуғулланади. Уларнинг турмушидаги бундай хусусиятлар, шубҳасиз, тилида (диалектида), фразеологизмларида ўз аксини топганки, уларни йиғиб ўрганиш ўзбек тили бойликларини аниқлашда катта аҳамият касб этади”<sup>2</sup>.

Зеро, турмуш тарзи ҳамма вақт инсон кайфиятини белгилайди ва унинг характериға, МХға кучли таъсир этади. Эркак ва аёллар бажарадиган вазифалари, ижтимоий ҳақ-ҳуқуқлари жиҳатидан бир-биридан фарқланар эканлар, демак, уларнинг МХлари ҳам ўз-ўзидан фарқланади. Бурч ва ҳақ-ҳуқуқлардаги, меҳнат тақсимоотидаги фарқлар қанчалик катта бўлса, МХдаги фарқлар ҳам шунчалик катта бўлади. Чунончи, “Ўрта асрларда япон аёлларининг жамиятдаги ўрни анча юқори бўлганлиги сабаб, у даврдаги эркак ва аёллар нутқи ўртасидаги фарқ унчалик катта эмас эди. Фақат ўрта асрларнинг охирларига келиб самурай (тажовузкор япон ҳарбийлари) тоифаси биринчи планга чиқиб қолганидан кейин, аёлларнинг ҳолати кескин ёмон томонга ўзгариши муносабати билан нутқий фарқланишлар ҳам шаклланди”<sup>1</sup>.

Тарих қатламларига чуқурроқ кириб борсак, аёлга чўри ёки жонивор сифатида муносабатда бўлинганини Шарқнинг кўплаб қулдорлик давлатлари мисолида кузатиш мумкин. Бундан уч минг йиллар аввал тузилган Ассирия ҳукмномаларида айтилишича, аёлларнинг махсус ёпинчиқлари билангина ташқарига чиқиши қонун йўли билан белгилаб қўйилган. ...Шунингдек, эр ўз хотинини аёвсиз калтаклаши, сочларини юлиб олиши, қулоғини қирқиши мумкин бўлган ва бунинг учун ҳеч қандай жазо олмаган.

Шунга ўхшаш ҳолатларни қадимги Эрон тарихида ҳам кузатиш мумкин. Қадимги Эронда зардуштийлик динига амал қилинган ва бу диний эътиқодга кўра аёлларнинг ибодатхоналарга кириши тақиқланган. Аёл фақат ўз уйида муқаддас оловга сиғиниши, ўчоқдаги оловни ҳеч қачон ўчирмаслиги лозим бўлган. Аммо ўчоқдаги муқаддас оловга ўзининг “нохуш” нафасини теккизмаслиги керак бўлган. Шунинг учун оғиз-бурун аралаш рўмол ўраган.

---

<sup>2</sup> Алпатов В. М. Япония. Язқк и обўество, с. 74.

<sup>1</sup> Дониёров Х. Қипчоқ диалектларининг лексикаси. - Тошкент: Фан, 1979, 102-б.

Туркменистонда ҳозир ҳам сақланиб қолган оғиз-бурунни ўраб юриш ана шу одатнинг қолдиғидир.<sup>2</sup>

Ўтмишда Ўзбекистон хотин-қизларининг ҳам инсоний ҳақ-ҳуқуқлари чекланганлиги, моддий-маънавий қийинчиликларни бошидан кечирганликлари сир эмас. Ҳали турмуш ва ҳаёт ҳақида тасаввурга эга бўлмаган қизчаларни турмушга чиқариш, “хотин кишининг боши - уй ичининг оғир тоши” деган ақидага амал қилиш, унинг остона ҳатлаб ташқарига чиқишини тақиқлаш ҳоллари одат тусини олган эди. Чунки ташқарига чиқса, унинг юзига номаҳрамнинг кўзи тушади. Бу эса мусулмончилик қонун-қоидаларига тўғри келмайди. Яқин-яқинларгача қаттиқ амал қилинган бу ақидалар Чўлпонинг “Кеча ва кундуз” романида реал акс этган. Романдаги бош қаҳрамонлардан бири Зебини ўз эри - Акбарали мингбошини заҳарлаб ўлдирганликда айблаб, суд қиладилар, суд жараёнида йигирманчи йиллар арафасидаги ўзбек хотин-қизлари МХга хос бўлган ҳаётининг деталр ўзининг ҳаққоний ифодасини топган. Бу жараён тасвиридаги ҳар бир жумла мавзумизга бевосита алоқадор бўлганлиги учун уни тўлиқроқ келтирамиз (ўша давр ўзбек қизлари МХда бўртиб турадиган ҳолатлар тасвирланган сатрлар остига чизиш билан таъкидланади):

“Суд раиси, ниҳоят, тилмочга юзланди:

- Айтингиз, айбдор юзини очсин.

Тилмоч бу буйруқни Зебига тушунтириб берди.

- Вой ўлақолай! Шунча номаҳрамнинг олдида юзимни очаманми? Ундан кўра ўлганим яхши эмасми?

Бу сўз таржима қилиб берилгач, пастдагиларнинг ҳаммаси деярлик, суд ҳайъатидан бир неча киши енгилгина кулиб олдилар. Улардан икки киши айрилди: биринчиси - ниҳоятда семиз ва йўғон гавдали горнизон бошлиғи; бу одам, товукнинг қа-қалашига яқин бир товуш билан овози борича ва бирданига қаҳқаҳ солди. Ҳамма унга томон ўтирилди. Суд раиси чинқироқ чалди. Горнизон бошлиғи ёнидан рўмолчасини олиб юз-қўлларини арта бошлади... Иккинчиси - имом - домла, бу киши ўзларининг ингичка - хуштак сингари овозлари билан, ихтиёрсиз “маша-олло!..” деб юбордилар. Ҳамма у кишига томон эврилгач, қип-қизариб ва ҳам ... кўрқиб бошларини қуйи солдилар.

- Сиз бу аёлга тушунтириб айтингиз: юзини очмаса бўлмайди. Суднинг қоидаси - шу. Паранжи остида айбдордан бошқа кишининг ҳозир бўлишига йўл қўймаслик учун унинг юзини очишга мажбурмиз. Айтингиз, қаршилиқдан фойда йўк!

Зеби ҳудди ўйинда шеригига аччиқ қилган боладай тескари бўрилиб олди. У индамай турганлигидан суд раиси яна сўз олди:

- Яхшилаб тушунтирингиз, юзини очмаса суд мажлисини олиб боролмайман.

- Олиб бормаса майлига... - деди Зеби. - Билганини қилсин!

---

<sup>2</sup> Эгамбердиева Т. Аёл ва давр. - Тошкент: Меҳнат, 1994, 18-б.

Тилмоч ўзи кулиб, қип-қизариб туриб, таржима қилди.

- Ҳарбий суд масхарами бу кишига? Айтингиз, яхшилик билан очсинлар. Бўлмаса куч билан очдирамиз!

- Вой шўрим! Шунча эркак ўтирса-я! Ўлганим минг марта яхшироқ!

Сўнгра овозини пасайтириброқ тиркади:

- Отамнинг пиридай кап-катта саллалик домла ўтирибдилар. Қандай юзим билан қарайман?..

Суд раиси энди бу сафар мулойим гапирди:

- Айтингиз, суд томонга қараб, домлага орқасини ўгириб турсин!

Зеби яна индамади. Домла ўтирган жойидан бир оз кўтарила тушиб:

- Ҳеч қиси йўқ, қизим! - деди, - мен қарамайман!

- Мана булар-чи? - деди Зеби. Суд ҳайъатини кўрсатди.

Энди бу сафар домла ўрнидан туриб тилмочга юзланди:

- Эшон мирзо! Менга ижозат берилса, шу аёлга икки оғиз насиҳат қилсам.

- Марҳамат, тақсир!

Домла Зебининг ёнига бориб насиҳатга бошлади. Зеби борган сари сусайиб бўлса-да, домланинг ҳар бир сўзига жавоб қайтарарди. Охирда, домла ўз диндошлари ўртасида машҳур бўлган бир эътиқод масаласини очди:

- Кофир билан итнинг фарқи йўқ. Итдан қочмайсизми? Шундай бўлса-да, кофирдан ҳам қочмасангиз бўлади. Бу жоиз?

... Зеби унади:

- Бўлмаса, сиз ўзингиз нарироққа бориб ўтиринг!

- Хўп қизим, хўп, - деди домла. Тўрт-беш қатор орқага бориб ўтирди.

Ҳамманинг кўзи домлада экан, Зеби чимматини юзидан олди ва судга томон эврилган ҳолда бир қўлини яна юзига парда қилди".<sup>1</sup>

Эндигина ўн беш ёшга кирган ўзбек қизи МХдаги бу нолисоний ҳолатлар ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолган эмас ва ҳеч қандай кулгили жойи ҳам йўқ. Аммо ўша давр ўзбек қизлари МХга хос бу ҳолат тили ва дили бошқа бўлган кишилар учун эриш туюлади ва Зебининг бокира ибоси устидан улар, айниқса, семиз ва йўғон горнизон бошлиғи мириқиб кулишади. Зеро, Зеби мустамлакачилик шароитида яшаган бир ўзбек оиласида, бунинг устига диний бидъат ва фанатизмга берилган Раззоқ сўфидек мутаассиб, аёл зотини инсон ўрнида кўрмайдиган жоҳил ота қўлида катта бўлди.

Кулоғи фақат Эшон бобонинг сўзларини эшитадиган Раззоқ сўфи диний бидъат ва фанатизм таъсирида аёлларни сариқ чақага ҳам олмайди. “Умуман, сўфининг бу бобда ўзига кўра асосли бир маслагини бор: у мақтаниб айтганидай, хотин-халаж олдида оғиз очиб тил қалдиратишни раво кўрмайди. “Бу тил, - дейди сўфи, - доим худонинг зикри билан қалдирайди. Бу оғиз ҳамма вақт худонинг зикрига очилади. Оғиз билан тил банданинг жисмида энг азиз ва

---

<sup>1</sup> Чўлпон. Яна олдим созимни. - Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991, 257-259-б. Кейинги мисоллар ҳам шу китобдан олинди.

табаррук аъзолар. Уларни хотин кишидай паст махлукқа хор қилинадими? Бўлмаса, ҳақ таолонинг бандалари ит билан ҳам гаплаша берсин! Йўқ, хотин кишига жуда зарур гап айтилади, у тоифа билан зарурат юзасидангина гаплашилади. Вассалом!”

“Ўзбекда ахир ҳар бир эркак ўз хотинини - ўз ҳалол жуфтини қизи ё ўғлининг номи билан атаб чақиради.

...Бизнинг сўфи мўмин-мусулмоннинг бу урфига ҳам амал қилмайди, у ўз ҳалол жуфти Қурбонбибини ҳамма вақт “фитна” деб чақиради: “Фитна, салламни бер!”, “Фитна, киз ўлгурунг қани?”, “Фитна, пулдан узат!” (27-б.)

Умуман, “Кеча ва кундуз”да халқнинг урф-одатлари, расм-русмлари билан бир каторда роман воқеалари тасвирланган йигирманчи йиллар арафасидаги ўзбек эркак ва аёллари МХдаги ўзига хосликлар ҳам маҳорат билан тасвирланган. Бу ҳақда адабиётшунос олим Н. Каримов шундай фикр билдиради: “Агар Чўлпон бош қаҳрамонга “Зебо” маъносини англатувчи Зеби исмини берган бўлса, унинг онасини эса у Қурвонбиби деб атаган; яъни унинг Раззоқ Сўфидек бадфеъл бир кимсага ўзини-ўзи қурбон қилганлигини таъкидламоқчи бўлган. Чиндан ҳам, Қурвонбибининг бутун ҳаёти эрининг қош-қовоғи остида куйиб, кул бўлди. Унинг бу дунёда яшашидан умиди ёлғиз қизи, унинг бахтли-саодатли турмуши эди. Ундаги оналик туйғуси қизнинг бошига келажак фалокатни сезгандек бўлади. Лекин Раззоқ сўфи эшон бобонинг “Мингбоши қанча мўмин-мусулмоннинг ҳолатини чиқарарди... Ибодат ҳам - ибодат, мўмин-мусулмонга хизмат ҳам - ибодат!” деган сўзларига қарши ўзида бирор ақлли гап топа олмайди! Шунинг учун ҳам у эрининг бояги сўзларига жавобан: “Мен-ку ҳеч нарса демас эдим., мана бу қизингиз худди бир суратга айланиб қолди. “Қўрқиб ётибман”, - дейди, холос. Ундаги қарши куч фақат шу сўзларни айтишгагина етади...”<sup>1</sup>

Аёлларнинг турли даврлардаги ижтимоий ҳолатлари, яъни аёлларга бўлган муносабатлар, эркак ва аёллар ўртасидаги меҳнат тақсимооти тилда, нутқда ва МХда ўз ифодасини топади. Таниқли диалектолог С. Иброҳимовнинг таъкидлашича, “... ишлаб чиқарилган маҳсулот кишиларнинг қайси жинси томонидан ишлатилишини билдиради. Масалан, кетмоннинг аёллар томонидан ишлатадиган енгил ва кичикроқ турини зайфона кетмон (рус.дамский кетменр), катта (оғирроқ) турини мардона кетмон (рус.мужской кетменр) дейилади. Бундан ташқари, ясалган нарсаларнинг қисмларидаги айрим белгилар жонли нарсаларнинг эркак ва урғочилик белгиларига нисбат берилиб, ўша нарсаларнинг отига эркак ва урғочи сўзлари қўшиб айтилади. Чунончи, жуган сувлуғи икки бўлакдан иборат бўлиб, бир бўлагининг учи қайрилиб, танага бириктирилган; иккинчи бўлагининг учи қайрилса-да, танага илакмаган бўлиб, бу жойдан биринчи бўлакнинг учидаги халқасимон жойга солиб қўйилади.

---

<sup>1</sup> Каримов Н., Назаров Б., Норматов У. XX аср ўзбек адабиёти, - Тошкент: Ўқитувчи, 1995, 138-б.

Шунга кўра, биринчи бўлак - урғочи сувлуқ, иккинчи бўлак - э р к а к с у в л у қ деб аталади. Бундай ном дегрезликда э р к а к я н г , у р г о ч и я н г : дурадгорликда э р к а к ч о р ч ў п , у р г о ч и ч о р ч ў п тарзида учрайди”<sup>1</sup>.

Шунингдек, ёзув машинасида дастлаб эркаklar ишлаган ва унинг номи м а ш и н а бўлган. XX асрнинг бошларига келиб бу иш билан асосан “пишбарқшня” (“ёзувчи бойвучча аёл”)лар шуғуллана бошлаганларидан кейин унинг номи м а ш и н к а га айланган.<sup>2</sup>

Кўринадики, меҳнат тақсимоти иш қуролларининг номига, яъни тил-га таъсир этмоқда. Нутқ тил бирликлари эвазига қурилишлигини инобатга оладиган бўлсак, МХнинг жинс жиҳатдан хосланиши маълум бўлади. Аммо МХнинг меҳнат тақсимоти билан боғлиқ ҳолда жинс жиҳатдан хосланишнинг асосий сабаби меҳнат, умуман фаолият, яъни инсоннинг доимий равишдаги машғулотининг унинг жисмига ва руҳига таъсир этишлигидадир.

Маълумки, собиқ Иттифокда ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий жабҳаларда, кишилар тафаккури ва дунёқарашида муайян ўзгаришлар рўй берди.

Худди мана шу тарихий даврда Ўзбекистон аҳолиси, жумладан, эркак ва аёллар ҳаётида, меҳнат фаолияти, турмуш тарзида ва МХда жуда катта ўпирилишлар рўй берди.

1991 йил 31 август куни Ўзбекистон мустақиллиги тўғрисидаги декларация эълон қилинганидан кейин 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг X боб 46-моддасида “хотин-қизлар ва эркаklar тенг ҳуқуқлидирлар” деб ёзиб қўйилди, 1999 йил аёллар йили деб эълон қилинди. Зеро, миллий ўзлигимиз, азалий қадриятларимиз тикланиб борган сари аёлларга бўлган шарқона иззат-икром ҳам тобора ортиб бормоқда.

В. М. Алпатов “Эркак ва аёллар бир хил гапирадиларми?” деган саволга жавоб излар экан, япон аёллари маълумотлилик даражаси, ишлаб чиқаришдаги иштироки ва бошқа кўпгина соҳаларда эркаklarга етиб олганликлари, ҳатто ўзиб кетаётганликларини, шу билан боғлиқ ҳолда, уларнинг МХдаги фарқлар ҳам тобора камайиб бораётганлигини таъкидлаб, хулоса сифатида қуйидагиларни ёзади: “Эркак ва аёлларнинг япон тилидан фойдаланишларидаги фарқли жиҳатларнинг келажаги ҳақида япон мутахассислари шундай бир умумий тўхтамга келмоқдалар: фарқ тобора камайиб бормоқда, афтидан, бундан кейин ҳам камайиб боради, бироқ у фарқнинг тез кунда барҳам топишлигига ҳеч қандай асос йўқ. Япон тилининг эркак ва аёллар нутқида қўлланадиган вариантлари, шубҳасиз, ижтимоий сабабларга боғлиқ бўлиб қолаверади”.

---

<sup>1</sup> Иброҳимов С. Фарғона шеваларининг касб-ҳунар лексикаси. - Тошкент: Ўзбекистон ССР Фанлар Академияси нашриёти, 1959, 166-167-б.

<sup>2</sup> Колесов В. В. Язык города, с.101.



МХ айнан мана шундай чуқур ижтимоий факторлар билан чамбарчас боғлиқ бўлган социолингвистик категория бўлиб, бу ҳақда атрофлича тўхталмай туриб, ўзбек МХнинг жинс жиҳатдан хосланиш сабабалри ва даражаларини очиб бериш мумкин эмас, деб ҳисобладик ва айнан шунинг учун гапни узоқдан бошлашга тўғри келди. Бизнинг бу тадқиқимиз ғоят серқирра ва мураккаб жараёни ижтимоий-лисоний жиҳатдан ўрганиш борасидаги дастлабки уринишлар бўлганлиги боис масаланинг моҳиятини тўлароқ ёритиш мақсадида мисолларга кенгроқ ўрин берган бўлишимиз мумкин. Ўйлаймизки, буларнинг ҳаммаси мазкур мавзунини кейинчалик чуқур илмий таҳлил этиш учун замин яратади ва туртки беради.

#### НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Нутқнинг жинс жиҳатдан хосланиши ҳақида нималар биласиз?
2. Нутқнинг жинс жиҳатдан хосланишининг асосий сабаблари нималар деб биласиз?
3. Ижтимоий муҳит ва нутқнинг жинс жиҳатдан хосланиши ҳақида нималар биласиз?
4. Меҳнат тақсимооти ва нутқнинг жинс жиҳатдан хосланиши ҳақида нималар биласиз?
5. Нутқнинг жинс жиҳатдан хосланиши неча ёшдан кузатилади?
6. Нутқнинг жинс жиҳатдан хосланишининг лисоний воситаларда ифодаланишини тушунтириб беринг.
7. Нутқнинг жинс жиҳатдан хосланишининг нолисоний воситаларда ифодаланиши нималарда кузатиш мумкин?
8. Нутқнинг жинс жиҳатдан хосланиши ҳақида қандай илмий адабиётларни биласиз?
9. Нутқнинг жинс жиҳатдан хосланиши касб-кор билан боғлиқ томонлари ҳақида нима дея оласиз?
10. Нутқнинг жинс жиҳатдан хосланиши билишнинг аҳамияти ҳақида нималар дея оласиз?

#### ТАЯНЧ СЎЗ ВА ИБОРАЛАР:

1. Нутқнинг жинс жиҳатдан хосланиши.
2. Нутқ ва жинс.
3. Нутқ ва ҳудуд.
4. Нутқда сўзга белги сифатида қараш.

#### АСОСИЙ АДАБИЁТЛАР:

1. Самойлович А. Женские слова у альпских турков. // Язык и литература, Т. 1929.
2. Дешериев Ю.Д. Социальная лингвистика. –М.: Наука, 1977.
3. Алпатов Б.М. Япония. Язык и общество. М.: Наука, 1988.
4. Искандарова Ш. Аёллар нутқида ундов сўзларнинг қўлланиши. // Республика ёш филол. олим. анъан. илмий конфе. матер. –Т., 1991.

## **МУНДАРИЖА**

<b>1-М А В З У. НУТҚ МАДАНИЯТИ КУРСИГА КИРИШ.....</b>	<b>3</b>
<b>2-М А В З У. МУЛОҚОТ ХУЛҚИ ВА МИЛЛИЙ МАФКУРА.....</b>	<b>9</b>
<b>3-М А В З У. МУЛОҚОТ ЖАРАЁНИ КОМПОНЕНТ (УЗВ)ЛАРИ.....</b>	<b>15</b>
<b>4-М А В З У. НОТИҚЛИКНИНГ БИРИНЧИ ШАРТИ.....</b>	<b>20</b>
<b>5-М А В З У. НУТҚНИНГ КОММУНИКАТИВ БЕЛГИЛАРИ.....</b>	<b>27</b>
<b>6-М А В З У. МУЛОҚОТ ЖАРАЁНИНИНГ КОМПОЗИЦИОН БОСҚИЧЛАРИ.....</b>	<b>33</b>
<b>7-М А В З У. МУЛОҚОТ ВА МУНОСАБАТ.....</b>	<b>39</b>
<b>8-М А В З У. НУТҚ ТИПЛАРИ ВА ТУРЛАРИ. ДАРОМАД НУТҚИ.....</b>	<b>48</b>
<b>9-М А В З У. МУЛОҚОТ ХУЛҚИНИНГ ҲУДУД ЖИҲАТДАН ХОСЛАНИШИ.....</b>	<b>52</b>
<b>10-М А В З У. ФАТИК КОММУНИКАЦИЯ.....</b>	<b>57</b>
<b>11-М А В З У. НУТҚНИНГ ЖИНС ЖИҲАТДАН ХОСЛАНИШИ.....</b>	<b>63</b>